



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**АҲБОРОТНОМАСИ**

**№ 3 (36)**

---

**2015**

**Тошкент – 2015**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
АХБОРОТНОМАСИ**

2015 йил №3 (36)-сон

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентиги Омисий ахборот востиаси давлат рўйхатидан Утказилганини тўғрисида гувоҳнома № 0838**

1999 йидан чиқса бошлаган

**Муассисе:**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар хар бир сонга ўзбек ва рус тилинша босилади**

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ РАСИ**  
Мирза-Улугбек АБДУСАЛОМОВ

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ**  
Абдулжабар АБДУВАХИДОВ  
Жашон АБДУЛАЕВ  
Олимжон АБДУЛАЗАРОВ  
Комиёнин АДИЛОВ  
Светлана АРТИКОВА  
Онгизаш БОВОЖОНОВ  
Гайри МАШКУРОВ  
Эсмон РАЖАМОВ  
Жанабай САДИКОВ  
Шукрул СИРОЖИДДИНОВ  
Темур ШИРИНОВ

**БОШ МУХАРРИР**  
Ниромиддин НУРМАТОВ

**ТАХРИРНЯТ МАНЗИЛИ:**

100078, Тошкент шаҳри,  
Муҳиммади найрони, 6.  
[www.election.uz](http://www.election.uz)  
e-mail: [saylov@mail.uz](mailto:saylov@mail.uz).  
Телефон 239-42-91

Наширеёт лицензияси АД №158, 14.08.2009.  
Босинга 2015 йил 12 марта рузасат этилади.  
Бинчалин 60 · 84 %, Сироғ юғози. «Тиволи»  
горнитурасидан обеят босимъ чосрлар босилади.  
Шаромъ бечма гайри 38,13. Наширеётни 22,86.  
Адди 500 нуска. Буюрга № 15-102.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентигининг  
«Ўзбекистон» национал мадбаса шоюни учун  
100129 Ташкент, Навоий кўчаси, 30

**МУНДАРНЖА**

Президент сайлови – эл-юртимиз фаровом келажагинаш таъминлашганинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов

5

Сайловодди ташвакоти – сайлов қампаняжининг муҳим босқичи. Шерзод Зулфикоров, Тошкент давлат юридик университети, «Давлат хукуки ва бошкарув» кафедраси мудирин

12

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанийи бошламишини эълон килиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг карори

15

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайёргарлик кўриш ва унн ўтиказни бўйича асосий тадбирлар дастурни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг карори

16

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритни бўйича Республика матбуот марказининг фалзиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг карори

21

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва унн ўтиказни бўйича ҳаражатлар сметаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг карори

23

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтиказни билан боялик айрим инзом ҳамда йўрнокомаларни ўзгартуни ва қўшимчалар киритни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг карори

24

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси инзом ва йўрнокомалари**

25

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

80

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

83

**«Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

96

**«Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ва тегишли сайлов округига бириткириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

97

**«Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

101

**«Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо ва рақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гурухларини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

102

**«Хотамжон Абдураҳмонович Кетмоновни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

105

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Абдураҳмонович Кетмоновнинг таржимаи ҳоли ва дастури**

106

**«Акмал Холматович Сайдовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

112

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Холматович Сайдовнинг таржимаи ҳоли ва дастури**

113

**«Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

120

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури**

121

**«Наримон Мажитович Умаровни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

130

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаровнинг таржимаи ҳоли ва дастури**

131

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

137

**«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод X.А. Кетмоновнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

139

**«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Х. Сайдовнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

141

**«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод И.А. Каримовнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

143

**«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.М. Умаровнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

145

## **МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА**

147

## **РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА**

155

## **ҲАМКОРЛИК**

161

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОН КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси хал қилувчи босқичга кирди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олгандан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланди. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу муҳим сиёсий жараёнга кўрилаётган тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар хақида сұхбатлашди.

– Асосий Конунимизда Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолати экани мустаҳкамлаб қўйилган, – деди М. Абдусаломов. – Шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зоро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тарақкий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиласидан қарорга боғлиқ.

Шу муносабат билан сайловга энг юксак ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда очикошкора ваadolатли ўтказиш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит яратилган.

Маълумки, сайловлар – бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, ҳалқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувида ва давлат ҳокимиютини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлиги, аввали, ислоҳотларнинг «ўзбек модели» тадрижий хусусиятга эга экани билан боғлиқдир. Бундай ислоҳотлар демократик сайлов тизимини шакллантириш

соҳасида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тизимнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлади ва шу тариқа давр ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиқсан ҳолда, яна-да такомиллаштириш имкониятини яратди.

– **Бу йил ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўзига хос қандай хусусиятларга эга?**

– Президент сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампанияси сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий шароитлар, партиялараро рақобат, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Ўзбекистонда кенг қўлами ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш давомида сиёсий, иктисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш ҳамда эркинлаштиришда салмоқли ютукларга эришилди. Авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ва фуқаролар тотувлигининг мустаҳкамлиги, иктисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг муттасил ортиб бораётгани энг асосий ютуқларимиздандир. Яна шуниси муҳимки, бир пайтнинг ўзида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Фуқароларимиз онги ва тафаккури, эътиқодида рўй берган туб ўзгаришлар, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, фуқаролик бурчи ва эртанги кунимиз, Ватанимиз тақдирига шахсий жавобгарлик ҳиссининг ортиб бораётгани ушбу ижобий ўзгаришларнинг муҳим омили ҳамда манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2014 йилда бўлиб ўтган сайлов аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, хуқуқий ва сиёсий маданияти юксалганидан яққол далолат беради. Сайлов натижалари мамлакатимиз ва ҳалқимизнинг асосий мақсади инсон хуқуклари, манфаат ва эркинликларини, қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайдиган демократик давлат барпо этиш тарафдори эканини яна бир бор намоён этди.

Шу билан бирга, парламент сайлови ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани, бу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки, уларнинг фаолияти ва истиқболдаги дастурий йўналишларини баҳолашда фуқароларнинг талабчанлиги қанчалик ошганини кўрсатди.

Буларнинг барчаси Президент сайловида иштирок этишга қарор қилган сиёсий партиялардан сайлов кампаниясида нафакат ўз фаоллигини кучайтириш, балки бу борада ўз фаолиятини, Президентликка кўрсатилган номзодларнинг ўз сайловолди дастурларини янада юксак сиёсий даражага кўтаришни талаб этмоқда.

– **Айтингчи, Президент сайловини демократия принципларига тўлиқ мувоғиқ ҳолда ўтказишни кафолатлайдиган хуқуқий асос нимадан иборат?**

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий сайлов тизимининг фаолият юритиши ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий Конунимизда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида давлат раҳбари сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар тўплами шакллантирилди. Биринчи навбатда, бу «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлариридир.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳукуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қиласи.

Халқаро демократик стандартларнинг Ўзбекистонда сайлов тўғрисида қабул қилинган қонунларга автоматик равишда киритилмасдан, балки халқимиз маданияти, анъаналари ва истиқлол йилларида демократик ҳукуқий давлат ҳамда жамият куриш бўйича тўпланган миллий тажрибамиз инобатга олинган ҳолда имплементация қилингани уларнинг ҳаётий ва таъсирчан бўлиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Масалан, чет эллик мустақил экспертларнинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёning кўплаб ривожланган давлатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир.

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган барча қонунчилик ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳукукларига сўзсиз риоя этиши, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигига сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда факат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир.

**– Сўнгги йилларда сайлов қонунчилигимизга қандай ўзгартишлар киритилди?**

– Мамлакатимиз ва жамиятимизни жадал суръатлар билан модернизация қилиш ҳамда янгилаш миллий қонунчилигимиз, жумладан, сайлов

қонунчилигини такомиллаштиришни давом эттириш зарурлигини тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги тегишли вазифалар белгиланган.

Ушбу дастурий хужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, кўп партиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашга доир белгилаб берилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда Конституциямизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишида сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, сайловлар давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳукуқий механизмларини такомиллаштириш учун ўзгартиш ва кўшимишчалар ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувоғик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жаҳон амалиётида илк бор бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Марказий сайлов комиссиясига бу борада мутлақ ваколатлар берилган. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланди. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайловларнинг демократлилигини таъминлаш кафолатларини янада кучайтириди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган барча тадбирлар қонун, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик талабларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури билан тартибга солинмоқда.

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сайлов қонунчилигига белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ва аниқ жадвал асосида тегишли барча тадбирлар, шунингдек, ушбу тадбирлар учун масъул тузилмалар белгиланди. Бу сайлов кампаниясини юксак демократик даражада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали фаолият кўрсатиши, сайлов жараёни иштирокчилари – Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва бевосита сай-

ловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши учун зарур шароитлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи, округ сайлов комиссиялари, ушбу комиссиялар эса, ўз навбатида, 9058 та сайлов участкаси ва участка сайлов комиссияларини ташкил қилди. Ҳар икки даражадаги комиссиялар таркиби-га ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тавсиясига асосан жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган кишилар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида ҳам 44 та сайлов участкаси тузилди.

Миллий қонунчилигимизга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига факат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этган, мамлакатимизда фолият юритаётган барча тўрт партия – Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун рухсат берилди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юкори органдари – съезд ёки қурултой томонидан амалга оширилди. Сўнгра номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо варакалари тўпланди. Қонунга биноан ҳар бир сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варакалари мамлакатимизнинг камида саккизта маъмурий-худудий тузилмасини ифода этадиган жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизи имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сиёсий партиялар имзо варакаларини зарур ҳужжатлар билан биргаликда номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддатда текшириб чиқди ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хulosса берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ишчи гурухлари эса имзо варакалари тўғри тўлдирилганлигини текширди.

Марказий сайлов комиссиясида 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайлов кампанияси даврида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

– Сайлов кампаниясининг моҳиятига кўра, унинг энг муҳим босқичларидан бири – сайловолди ташвиқоти бошланди. Шу ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

– Сайлов кампанияси бир-бири билан ўзаро боғлиқ тизимли жараённи ифода этади. Бу босқичлар орасида сайловолди ташвиқоти алоҳида ўрин тулади. Бу жараёнга барча демократик давлатлар, шу жумладан, мамлакатимизда хам алоҳида эътибор қаратилади. Ташвиқот номзодларга сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништириш имконини беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, Президентликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишида тенг шароит билан таъминлаш мақсадида уларга ўз дастурлари билан чиқиш қилиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлир» телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида бир хил – 10 саҳифагача нашр майдони ажратилди.

Шунингдек, Президентликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тенг ҳуқуққа эга. Ҳар бир номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишида ёрдам беради, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради, турли ташкилотларда номзоднинг манфатини ҳимоя қиласи.

**– Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралиги амалда қандай таъминланмоқда?**

– Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиқ, ошкора ва транспарентлик асосида ўтказилади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва уларнинг иш вақти ҳақида маълум қиласи, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиласи.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишига доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда мухим ўрин тутади.

Ўтган йиллардаги сайлов кампаниялари, жумладан, 2014 йилда ўтказилган парламент сайлови давомида мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш учун Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари хамкорлиги бўйича янада бой тажриба тўпланди. Мамлакатимиз Президенти сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Жаҳон» ахборот агентлиги билан икки томонлама шартномалар тузди. Ушбу шартномаларда сайлов жараёнини тартибга соладиган миллий қонунчилигимизни ахоли ўртасида кенг тушунтириш кўзда тутилган. Нодавлат оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси таркибига кирадиган ахборот воситалари ва ахбороттахлил интернет-нашрлар сайлов жараёнини ёритишида фаоллик кўрсатмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча худудларида – округ сайлов комиссиялари хузурида ҳам шундай матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини ёритиш учун мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

Марказий сайлов комиссияси дастурига мувофик, сайлов ташкилотчилари – округ ва участка сайлов комиссиялари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар учун мавзуга оид семинарлар ўтказилмоқда. Бу миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган сўнгти ўзгартишлар, сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, жумладан, оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов жараёнини очиқ ва ошкоралигини таъминлаш вазифалари ҳақида уларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Сайлов кампанияси давомида миллий қонунчилигимизга сўзсиз риоя этиш ва фуқароларимиз, жумладан, ёшларнинг ўз ҳаётий ва сиёсий позициясини намоён этиши бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини демократия принципларига тўлиқ мувофик ҳолда ўтказиш ва пировард натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил демократик ислохотларни янада чукурлаштириш имконини беради.

*Суҳбатдош: Мөҳрибон Маметова,  
ЎзА, 2015 йил, 17 февраль.*

**Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,  
Тошкент давлат юридик университети,  
«Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси мудири**

## **САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ – САЙЛОВ КАМПАНИЯСИННИГ МУҲИМ БОСҚИЧИ**

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири – Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти изчил давом этмоқда.

Сайловолди ташвиқоти Президентликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун жиддий синов ҳисобланади. Мазкур тадбирнинг накадар тўғри ва самарали ўтказилиши номзодларнинг сайловда эришадиган натижасига кучли таъсир кўрсагади, уларнинг мавқеи кўтарилишига, электорати сафи кенгайишига, энг муҳими, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ортишига олиб келиши мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, ушбу жараённинг тенг шароитда, адолат, очиқлик ва ошкоралик мезонлари асосида олиб борилиши тўлиқ кафолатланган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва бошқа қонун хужжатларида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофик, сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ҳамда сайлов кунигача давом этади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл кўйилмайди. Чунки овоз бериш кунида сайловчилар номзодларга муносабатини ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ифода эта олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиши, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Бу эса уларга ўз дастурий ғоялари билан сайловчиларни кенгрок таништиришга имкон беради, сайлов кампаниясида номзодларнинг кўпчилик сайловчилар билан мулоқот олиб боришига хизмат қиласи.

Таъкидлаш керакки, қонунчилигимизга мувофик, сайловолди ташвиқотини номзодлар номидан уларнинг ишончли вакиллари ҳам олиб бориши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли

вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланиши учун тарғибот олиб борадилар.

Президентликка номзоднинг тақдимномасига кўра, ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, интернет орқали, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш шаклида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларига тенг ҳукуқли, соғлом рақобатга асосланган сайловолди ташвиқоти юритиши учун халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва стандартларига тўла мос имконият яратилган.

Хусусан, миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ўз сайловолди ташвиқотларини юритиши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳукуққа эгалиги кафолатланган. Айни пайтда номзодлар оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда фойдаланиши лозим.

Шуни қайд этиш керакки, Марказий сайлов комиссиясининг шу йилнинг 14 февраль куни қабул қилинган қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларни сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит билан таъминлаш мақсадида уларга ўз дастурлари билан чиқиш қилиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида бир хил – 10 сахифа нашр майдони ажратилди.

Номзодлар ўз сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга бевосита учрашувлар ўтказиш орқали таништириш ҳукуқига эга. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида фуқаролар Президентликка номзоднинг ўзи ва унинг дастури билан батафсил танишиш имкониятига эга бўлади. Сайловолди учрашуви сайловчи учун жуда муҳим ҳисобланиб, ҳар бир сайловчи номзоддан ўзини қизиктирган саволга жавоб олиши мумкин. Сайловолди учрашувини номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан ўтказиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди учрашув ва йиғилишлари очиқ ва ошкора тарзда ўтиши белгиланган.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бундай учрашувларни ўтказишга кўмаклашиши, номзодларни зарурий маълумотлар, ахборотлар билан таъминлаши шарт. Бунинг натижасида номзодларда учрашув

ёки йигилиш ўтказилаётган худуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан яқинроқ танишиш, мавжуд муаммоларга нисбатан сайловчилар олдида ўз муносабатини билдириш имконияти туғилади.

Шу ўринда Президентликка номзодларнинг дастурлари сайловолди ташвиқотида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, дастурлар номзоднинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларига оид масалаларни ҳал қилиш ҳамда ушбу соҳаларнинг ривожланиш истиқболини белгилашга йўналтирилган мақсадли режаси ҳисобланади.

Сайловолди ташвиқотларида бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш ёки хизматлар кўрсатиш, шунингдек, пул маблағлари тўлаш тақиқланади. Ушбу қоида мазмун-моҳиятига кўра ўта муҳим ҳисобланади. Чунки фуқароларни бундай йўллар билан ўз томонига оғдириш сайловолди ташвиқотининг адолатлилик тамойили бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги сайлов куни ҳар қандай ташвиқот юритиши ман этади. Сайлов куни сайлов участкалари ва уларнинг яқинида оғзаки ҳамда ёзма ташвиқот юритиши, у ёки бу номзодга овоз беришга чакирувчи плакатларни осиб кўйиш, турли буклетларни ва ўзида номзодлар ҳақидаги маълумотларни ифодаловчи ҳар қандай материалларни тарқатиш мумкин эмас.

Сайловолди ташвиқоти бўйича ўрнатилган қонун талабларини бузганлик учун хуқуқий жавобгарликнинг мавжуд эканини ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг маҳсус бобига мувофиқ, номзодларнинг хукуқ ва манфаатларини, шунингдек, сайловчиларнинг кафолатланган сайлов хукуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор хукуқбузарликларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқотини юритиши учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Уларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда teng шароитлар яратилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда сайлов кампаниясининг муҳим босқичи ҳисобланган сайловолди ташвиқотини очиқ ва адолатли шароитда, демократик тамойиллар асосида ўтказиш учун барча ташкилий-хуқуқий асос ва имкониятлар яратилган. Ушбу хуқуқий кафолатлар пировард натижада сайловчиларнинг номзодлар орасидан энг муносабини танлаши учун хизмат қиласи.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
КАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ  
БҮЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН  
ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига хамда «Давлат хокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови түгрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий конуининг 2-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуининг 8-моддасига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР  
КИЛАДИ:**

1. 2015 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белтилансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2014 йилнинг 26 декабридан бошланishi эълон қилинсан.
3. Сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларни тартиби, боскичлари ва муллалари хакидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белтиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» ва бошка оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансан.
4. Мазкур карор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсан.

**Марказий сайлов комиссияси  
Ранси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент ш.дри,  
2014 йил 26 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИП ВА УНИ ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА АСОСИЙ  
ТАДБИРЛАР ДАСТУРН ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Конуни 14-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түгрисида»ги Конуни 5-, 9-, 10-моддаларига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурниловага мувофик тасдиқлансан (илова килинади).
2. Ушбу асосий тадбирлар дастурни тегишли давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа мутасадди ташкилотларга ижро этиш учун юборилсан.
3. Мазкур карор ижросини назорат килиш Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С. Артикова зинмасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛМОВ**

*Ташкент шаҳри,  
2014 йил 26 Октябрь.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ  
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг (бундан буён матнда МСК деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш ва уни ОАВда ёритиш	2014 йил 26 декабрь	МСК, ЎзА, МТРК
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги муносабати билан Миллий матбуот марказида хорижий журналистлар ва миллий ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказиш	2014 йил 26 декабрь	МСК, ТИВ, ЎзА, МТРК
3.	МСКнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш	2014 йил 26 декабрь	МСК
4.	МСКнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округларини тузиш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш ва уларнинг рўйхатини сайловчилар сонини ҳамда округ сайлов комиссиялари жойлашган жойини кўрсатган холда эълон қилиш	2015 йил 7 январь	МСК, Давлат статистика кўмитаси, ЎзА, МТРК
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари таркибига номзодларни мухокама этиш ва тавсия қилиш бўйича Коракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халк депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлислирини ўтказиш	2015 йил 13–14 январь	Корақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халк депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари шахсий таркибларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва МСКнинг қарорини қабул қилиш	2015 йил 16 январь	МСК
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари таркиблари тўғрисидаги МСК қарорини маҳаллий матбуотда эълон қилиш	2015 йил 17 январь	МСК, ЎзА, ОАВ

8.	Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган холда хужжатлар тақдим этиш	2015 йил 18 январга қадар	Сиёсий партиялар, МСК
9.	Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисидаги масала бўйича МСК карорини қабул қилиш, шунингдек, уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилиш	Хужжатлар келиб тушган кундан бошлаб 5 кун муддатда (2015 йил 23 январга қадар)	МСК
10.	МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш натижалари юзасидан брифинг ўтказиш	2015 йил 23 январга қадар	МСК
11.	Сиёсий партияларнинг олий органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш	2015 йил 23 январдан 12 февралга қадар	Сиёсий партиялар
12.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича: туман, шаҳар ҳокимликлари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан; ҳарбий қисмларда қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида ТИВ тақдимномасига биноан МСК томонидан сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш	2015 йил 29 январга қадар  Айрим ҳолларда 2015 йил 24 марта қадар	МСК, округ сайлов комиссиялари, Мудофаа вазирилиги, ТИВ, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари
13.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни муҳокама этиш ва тавсия қилиш бўйича халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашларининг мажлисларини ўтказиш	2015 йил 10 февралга қадар	Халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари

14.	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-кувватлаш юзасидан имзоларни тўплаш	2015 йил 12 февралга қадар	Сиёсий партиялар
15.	Сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, МСКга мурожаат этиш	2015 йил 15 февралга қадар	Сиёсий партиялар, МСК
16.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш	2015 йил 17 февралга қадар	Округ сайлов комиссиялари
17.	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш ва рўйхатга олинганлик гувоҳномасини бериш	2015 йил 22 февралга қадар	МСК
18.	МСКнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги хабарини матбуотда эълон қилиш	2015 йил 27 февралга қадар	МСК, ЎЗА, МТРК
19.	МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг 15 нафарга қадар ишончли вакилларини рўйхатга олиш ва уларга тегишли гувоҳномаларни бериш	2015 йил 22 февралдан бошлаб (Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш пайтидан бошлаб)	МСК
20.	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини ўтказиш	2015 йил 22 февраль – 28 март	Сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар
21.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган видеоматериаллар, телевизионларни тайёрлаш ва трансляция қилиш	Сайлов кампанияси даврида	МСК, МТРК, ЭОАВМА, АҚҲМИ, ФЖШМҚМИ, сиёсий партиялар
22.	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар акс этган плакатлар ва бошқа босма маҳсулотларни тайёрлаш ва чоп этиш	2015 йил 22 февралдан бошлаб (Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш пайтидан бошлаб)	МСК, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, сиёсий партиялар

20	23.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов варакалари ва бюллетенларини тайёрлаш	2015 йил 9 марта қадар	МСК, «Давлат белгиси» ДИБ
	24.	МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва харакатлардан кузатувчиларни таклиф этиш, уларга мандатлар бериш	2015 йил 14 марта қадар	МСК, ТИВ
	25.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партиялардан кузатувчиларга мандатлар бериш	2015 йил 14 марта қадар	Округ сайлов комиссиялари
	26.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайловчилар рўйхатларини тузиш ва уларни ҳамма танишиб чикиши учун тақдим этиш	2015 йил 14 марта қадар Айрим ҳолларда 2015 йил 27 марта қадар	Участка сайлов комиссиялари, туманлар (шахарлар) ҳокимликлари, ТИВ, Мудофаа вазирлиги
	27.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларига бериш ва бюллетенларнинг сакланишини таъминлаш	2015 йил 26 марта қадар	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари, ИИВ, ТИВ
	28.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз беришни ўтказиш, овозларни санаб чикиш	2015 йил 29–30 март	Округ ва участка сайлов комиссиялари, МСК
	29.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини аниқлаш	2015 йил 8 апрелга қадар	МСК
	30.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича брифинг ўтказиш	2015 йил 8 апрелга қадар	МСК
	31.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қасамёд қилиши ва ўз лавозимига киришиши	2015 йил 8 июня қадар	МСК, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари

**Изоҳ.** Сайлов кампанияси давомида алоҳида режага мувофиқ ахборот тушунириш тадбирлари (сайлов қонунчилиги қоидаларини ва сайловолди дастурларини тушуниришга қаратилган олимлар ва мутахассисларнинг ОАВда чикишлари, давра сұхбатлари, семинарлар) ташкил этилади.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЁРИТИШ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиқлик ва ошкоралик принципларига риоя қилган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказиш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўз вақтида ахборот олиш ҳамда тарқатишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази (кейинги ўринларда Матбуот маркази) тузилсин.
2. Матбуот маркази түғрисидаги Низом ва унинг таркибий тузилиши тасдиқлансан.
3. Матбуот маркази Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-йда жойлаштирилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот марказининг тасдиқланган таркибий тузилишига мувофиқ, унинг ходимлари билан тегишли меҳнат шартномаларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилиши таъминласин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини Матбуот марказида аккредитациядан ўтказиш тартиби тасдиқлансан ҳамда матбуотда эълон қилинсан.
6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Жаҳон» ахборот агентлигидан Матбуот маркази фаолияти билан боғлиқ барча материалларни (пресс-релизлар, баённомалар, хабарнома, маълумотлар ва бошқаларни) тайёрлаш ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилларига ўз вақтида ва сифатли таржима қилишда амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш сўралсан.
7. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан Матбуот маркази томонидан ўтказиладиган барча брифинглар, пресс-конференциялар ва бошқа тадбирларни ўзбек, рус ва инглиз

тилларига синхрон таржима қилиш жарабасида зарур бўлган малакали таржи-  
монлар билан тъминлашда амалий кўмак кўрсатиш сўралсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Алока, ахборотлаштириш ва телекоммуника-  
ция технологиялари Давлат кўмитасидан Матбуот марказини тегишли жиҳоз  
ва ташкилий техника, телефонлар, факслар ва бошка техник воситалар билан  
тъминлаш сўралсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот маркази фаолиятини ташюлий-тех-  
ник ва автотранспорт воситалари, шунингдек, баниерлар, электрон реклама  
стендлари, билбордлар ва бошқалар билан тъминлаш масалаларини хал эт-  
син.

10. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артикова зиммасига  
юклайлесин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2014 йил 26 декабрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
КАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИП БҮЙИЧА  
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Конуни 14-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түгрисида»ги Конуни 5-моддасига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси иловага<sup>1</sup> мувофик тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда сайлов учун ажратилган маблағлар ўз вактида тегишли мутасадди ташкилотларга ажратилишини таъминлаш ва назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зиммасига ҳам юқлатилганини белгилаб қўйилсин.
3. Ушбу карор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Рансиринг ўринбосари С. Артикова ва Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адиловлар зинмасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Ранси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Ташкент шаҳри,  
2014 йил 26 оқтабрь.*

<sup>1</sup> Иловага чоп этилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИННИГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ШАҲАРДА БИЛАН БОҒЛИК  
АЙРИМ НИЗОМ ҲАМДА ЙУРИКНОМАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ  
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конуни 14-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Конуни 5-моддасига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 319-сон карори билан тасдиқланган айрим низом ва йўрикномаларига ўзгартирнишлар киритилсин.
2. Мазкур карорнинг ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адилов зинмасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Рашни**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2014 йил 26 оекабрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ НИЗОМ ВА ЙЎРИҚНОМАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги  
319-сонли Қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида **ЙЎРИҚНОМА**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил  
26 декабрдаги 661-сонли Қарори билан ўзгарттиши киритилган)

Мазкур Йўриқнома «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси)га, округ ва участка сайлов комиссияларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига нисбатан татбиқ этилади.

#### I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар хисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-куватлаш тақиқланади.

2. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вактида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

3. Сайлов кампаниясини ўтказиш даврида молиялаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан сайловолди ташвиқоти харажатлари – Марказий сайлов комиссияси томонидан;
- округ ва участка сайлов комиссияларининг харажатлари – округ сайлов комиссиялари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали.

## II. Сайлов харажатларини режалаштириш, молиялаштириш ва тўлаш

4. Марказий сайлов комиссияси бюджет талабномасини тақдим этаётганда (башарти, режалаштирилаётган йилда қонунчиликка мувофиқ сайлов мўлжалланган бўлса) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини белгилайди.

5. Давлат бюджети асосий кўрсаткичлари тасдиқланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун тасдиқланган харажатлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотни Марказий сайлов комиссиясига етказади.

6. Марказий сайлов комиссияси тасдиқланган харажатлар ҳажмларига мувофиқ харажатлар сметасини зарур ҳисоб-китоблари билан тасдиқлади. Бунда Марказий сайлов комиссиясининг марказлаштирилган харажатларига ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик харажатлари бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида кўрсатилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан сўнг, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш харажатларини молиялаштириш жадвали тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Марказий сайлов комиссиясига марказлаштирилган харажатларга, шу жумладан номзодларнинг сайловолди ташвиқоти харажатларига;
- Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг харажатларига.

9. Номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг

бир номзод ҳисобига тўғри келадиган микдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзодларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари:

- сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;
- Президентликка номзодларнинг фаолият дастурини ташвиқот қилишга;
- Президентликка номзодларнинг телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;
- Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;
- Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўtkазиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга сарфланади.

11. Сайлов учун Давлат бюджетидан ажратилган ва сайлов кампаниясини молиялаштириш учун сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағларни қўйиш ва сарфлаш учун:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Молия вазирлиги, вилоят ҳокимларни ва молия бошқармаларига тегишли хизмат қўрсатадиган банкларда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлашнинг 233-бўлими бўйича 23404 ҳисоб рақамлари (республика бўйсунувидаги бюджет муассасалари маблағлари) очилади;
- Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва молия бошқармаси учун – тегишли ғазначилик тизимида ҳисоб варака очилади.

12. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағлар Марказий сайлов комиссиясининг 233-бўлими бўйича 23404 ҳисоб рақамига кирим қилинади ва Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида сайлов кампаниясини молиялаштириш мақсадларига сарфланади.

13. Харажатларнинг ҳакини тўлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига хизмат қўрсатадиган ғазначилик бўлинмаларига ўрнатилган тартибда тегишли хужжатларни (смета, шартнома, ҳисоб-фактура ва хоказо) ҳамда вилоятдаги тегишли округ сайлов комиссиясининг қарори асосида тегишли округ сайлов комиссияси раиси (биринчи имзо) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг бош бухгалтерлари (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов топшириқномалари тақдим этилади. Ушбу мақсадлар учун округ сайлов комиссиялари томонидан тегишли ҳокимларга хизмат қўрсатадиган ғазначилик бўлинмаларига белгиланган тартибда округ сайлов комиссиялари раисларининг имзоси намуналари

ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг комиссия шахсий таркиби бўйича қарорининг нусхаси тақдим этилади.

14. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган сайлов комиссияларининг аъзоларига ўртacha иш ҳақи тўлаш сайлов комиссиясининг қарори асосида комиссия аъзосининг асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифасини бажаришдан ўртacha иш ҳақини кўрсатган ҳолда озод этиш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

15. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияларининг аъзоларига (агарда асосий иш жойидан иш ҳақи тўлиқ олинса ҳамда нафакада бўлса) сайловга ажратилган маблағлар хисобидан (иш ҳақи олинмаган тақдирда) энг кам микдордаги иш ҳақи хисобидан мукофот берилади.

16. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияларининг аъзолари (бошқа иш жойига эга бўлмаган шахслар)га иш ҳақи ва энг кам микдордаги иш ҳақи хисобидан мукофот тўланмайди.

17. Сиёсий партиялар сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг, уч кунлик муддатда фойдаланилмаган маблағларни Марказий сайлов комиссиясининг ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда Республика ғазначилиги ҳисоб рақамига ўтказадилар. Ушбу маблағлар бир банк иш куни мобайнида Молия вазирлигининг Республика бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади.

18. Фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиқлари сайлов якуnlари эълон қилинганидан сўнг, беш кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ҳисоб рақамига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар молия бошқармалари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари бухгалтериялари томонидан ўтказилади.

### **III. Ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик**

19. Сайловга ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлашнинг 233-бўлими тегишли параграфига мувофиқ амалга оширилади.

20. Давлат бюджети маблағлари сайловга сарфланиши тўғрисидаги ҳисбот сайлов якуnlари эълон қилинганидан сўнг қўйидагича тақдим қилинади:

– Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига алоҳида сайлов билан боғлиқ марказлаштирилган харажатлар бўйича 30 кундан кечиктирмасдан;

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бухгалтериялари томонидан тегишли худуддаги округ ва участка сайлов комиссиялари бўйича жамлама ҳисбот Қорақалпоғистон

Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига 25 кундан кечиктирилмасдан.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари сайлов якунлари эълон қилинганидан сўнг, 30 кундан кечиктирилмасдан жамлама ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборадилар.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича харжатлар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли бухгалтериялари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун ажратилган маблағларни сарфлаш тўғрисидаги ҳисоботлар илова қилинаётган шаклга биноан тузилади.

#### **IV. Маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат**

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош тафтиш-назорат бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар.

25. Тегишли сайлов комиссиялари раислари маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вактида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдирлар.

#### **V. Якуний қоидалар**

26. Мазкур Йўриқнома қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
сайловини ўтказиши харажатлари тўғрисида  
ХИСОБОТ**

Худуд

*Коркаганнамаси Республикаси. Тоникент шаҳри. яндоми*

Ўлчов бирлиги: минг сўм

**1-БЎЛИМ****Харажатлар**

Кўрсаткич	Сатор коди	Тасдиқланган	Ижро этилган
1	2	3	4
Президент сайлови бўйича комиссияларниң харажатлари			
Округ комиссияси	010		
Жами харажатлар	020		
Участка комиссияларининг сони	030		
Жами харажатлар	040		
Марказий сайлов комиссиясининг харажатлари, жами:	050		
Пу жумладан			
Марказлэштирилган хароҳатлар	060		
Сайловоди ташвиқоти харажатлари	070		
Жами (020+040+050)	(080)		

**2-БҮЛЛМ**

**Округ ва участка сайлов комиссиялари харажатларининг турлари бўйича сайлов кампанияси харажатлари**

№	Кўрсанкич	Харажатлар коди	Сатр коли	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови	
				Округ сайлов комиссиялари	Участка сайлов комиссиялари
A	I	2	3	4	5
1.	Асосий ишидан озод этилган комиссия възолари мекнатига ҳақ тўлаш Жами:	01-1-00	090		
	Шу жумладан Ранс Техник ходим	100 110			
2.	Инжерентларнинг ажратмалари	01-2-00	120		
3.	Хизмат сафари харажатлари	01-3-00	130		
4.	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари харажатлари	01-5-00	140		
5.	Транспорт воситалари ва техникини саклаш, уларнинг хизмат кўрсатиши ва ижараси харажатлари	01-7-40	150		
6.	Саклаш, ижара, эксплуатацияга онд бошқа харажатлар	01-7-90	160		
7.	Техника, ташкилтий-техника, асбоб-ускуна, жиҳоз, материаллар ва канцелярия буюмларини сотиб олиш харажатлари	01-8-13	170		
	<b>ЖАМИ:</b>	00 0 00	180		

Изоҳ: 2-бўлимдаги 4, 5-устунлар натижалари тегнишли равишда I-бўлим 4-устунининг 020, 040-сатрларига тенг бўлиши керак.

**З-БЎЛИМ**  
**Маблагларнинг харакатланниши**

№	Кўрсаткич	Сумма
1	Молиялаштирилган	
2	Касса харәжати	
3	Фойдаланилмаган маблагларнинг колдиги	
4	Кайтарилган маблагларнинг суммаси	
5	Депозит хисоб ракамиданга колдик	

Сайдов комиссиясининг ранси (молия органининг бошлиғи) \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Изоҳ: жамлама хисобот молия органи бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзола-  
нади

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги  
319-сонли Қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
сайловида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва  
харакатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида  
НИЗОМ**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли Қарори билан ўзгартишни киритилган)

**Умумий қоидалар**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва харакатлардан кузатувчилар қатнашиш хукуқига эгадирлар.

**Кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

1. Кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси) томонидан рўйхатдан ўтказиладилар. Уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги орқали Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади. Аризада кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тахминий жойи ва муддати кўрсатилиши лозим.

2. Кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги тақдимномасига асосан қабул қиласди.

3. Марказий сайлов комиссияси кузатувчиларга уларнинг сайлов кампанияси давридаги фаолиятлари учун асос бўладиган тегишли намунадаги мандатни беради.

4. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва харакатларнинг вакиллари хисобланмайдиган шахслар рўйхатдан ўтказилмайди.

**Кузатувчиларнинг ваколатлари**

5. Кузатувчиларнинг ваколатлари улар рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга оширилади ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунларини эълон қилганидан кейин тутади.

6. Кузатувчилар сайлов участкаларида келганларида Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган мандатни сайлов комиссияси раисига кўрсатишилари шарт.

7. Кузатувчилар қўйидаги хукукларга эга:

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича ўтказиладиган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;

– сайлов участкаларида ҳозир бўлиш ва тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов кутиларининг жойлаштирилиши ҳамда муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенлари берилишини кузатиш;

– овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссияси баённомасини тузиш пайтида ҳозир бўлиш;

– сайлов натижалари ҳақидаги хужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

– агар сайлов участкасида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни бузилган деб ҳисоблаш учун асос мавжуд бўлса, ўз кузатувлари ҳақида юқори турувчи комиссияга маълум қилиш.

8. Кузатувчилар қўйидагиларга ҳақли эмаслар:

– сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

– сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

– сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

– участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов кутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

9. Кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя этишлари шарт.

10. Кузатувчилар ўзларининг барча хулосаларини хужжатли, ҳаққоний ва текширувга асосланган фактлар билан асослашлари лозим.

### **Кузатувчилар фаолиятининг кафолатлари**

11. Кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган пайтларида Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида бўладилар.

12. Кузатувчилар фаолиятини молиявий-ташкилий таъминлаш уларни Ўзбекистон Республикаси юборган давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Кузатувчилар кузатувни мустакил амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва сайлов комиссиялари кузатувчиларга ўз ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашадилар.

#### **Кузатувчиларнинг жавобгарлиги**

14. Хорижий давлатлар, халкаро ташкитотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчилари ўз фаолиятлари билан бодлик сайлов кампаниясининг боришини кузатиш ва унинг натижаларини баҳолаш бўйича билдирилган муроҳазалари учун жавобгар бўлмайдилар.

15. Марказий сайлов комиссияси кузатувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари, халкаро хукуқнинг умумзътироф этилган нормалари бузилган тақдирда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари туттиши мумкин.

ИЛОВА

**ХОРИЖИЙ (ХАЛҚАРО) КУЗАТУВЧИ МАНДАТИНИНГ  
НАМУНАСИ ВА ТАВСИФИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси

000

**Хорижий (халқаро) кузатувчининг  
МАНДАТИ**

(фамилияси)

(исми)

(мамлакат, тақиқилотнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида  
хорижий (халқаро) кузатувчи  
сифатида рўйхатга олинган

Марказий  
сайлов комиссияси  
Раиси

M. Ў.

(Ичизо)

Берилган вақти 20 \_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Шахсони тасдиқловчи хужжат кўрсатилганида ҳакимий жисобланади.

*Хорижий (халқаро) кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи  
хужжатдир.*

Мандат намунада реквизитлари келтирилган  $140 \times 100$  мм ўлчовли уч хил  
рандаги намунавий бланкди расмийлаштирилади. Мандатда унинг тартиб  
раҳами, хорижий (халқаро) кузатувчининг фамилияси, исми, уни вақт си-  
фатида юборган мамлакат ва (ёки) ташкилот номи, мандатнинг берилган  
вақти ва амалда бўлган шарти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марка-  
зий сайлов комиссиясининг гербли думалоқ луҳри, Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси раисининг имзоли қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги  
319-сонли Қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи  
округ сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш түгрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли Қарори билан ўзгартиши киритилган)

**I. Округ сайлов комиссияларини тузиш**

Округ сайлов комиссияси – сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун қонунда белгиланган тартибда ва муддатда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузиладиган коллегиал органдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари (матнда округ сайлов комиссиялари деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси) томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6–8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

**II. Округ сайлов комиссиялари фаолиятида  
ошкораликни таъминлаш**

Округ сайлов комиссиялари ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлислари ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини иш режасига асосан очик ва ошкора амалга оширади.

Округ сайлов комиссияси мажлислари раиснинг ташабbusи ёки комиссия аъзолари таркибининг учдан бир қисми талабига биноан чакирилади.

Округ сайлов комиссияси мажлиси агар унда комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Мажлисларда масалалар очик ва ошкора муҳокама қилинади. Комиссиянинг барча қарорлари муҳокамадан сўнг аъзолар умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Мажлисда баённома юритилади. Баённомада мажлиснинг кун тартиби, унда қатнашган комиссия аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми,

кўриб чиқиладиган ҳар бир масала юзасидан овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарорлар кўрсатилади. Мажлис баённомасига қабул қилинган қарор, хулоса ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан ёзма шаклдаги алоҳида фикрлари илова қилинади.

Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённома эса мажлисда иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Округ сайлов комиссияси мажлисларида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, аккредитациядан ўтган хорижий ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишга ҳаклидирлар.

Шунингдек, округ сайлов комиссияси мажлисига давлат органларининг вакиллари, муассаса, корхона ва ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари уларга тааллуқли масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

### **III. Округ сайлов комиссияларининг ваколатлари**

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун:

- бутун округ худудида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини назорат қиласи ва унинг бир хил тарзда кўлланилишини таъминлайди;
- сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қиласи, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;
- сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи худудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;
- сайловчиларнинг рўйхатлари тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;
- пул маблағларини участка сайлов комиссияларига тақсимлайди, участка сайлов комиссияларини бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласи ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;
- округ бўйича сайлов якунларини чиқаради ва маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

– участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

– «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Округ сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар (ўқув машғулотлари, семинар, конференция, давра сухбати ва ҳоказолар)ни амалга оширади.

Давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар комиссияларга ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот-материаллар тақдим этишга мажбурдирлар.

Округ сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, сиёсий партияларнинг идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат этиш хуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалаларни кўриб чиқиб, уч қунлик муддатдан кечиктирмай комиссияга жавоб қайташга мажбурдирлар.

#### **IV. Округ сайлов комиссияларининг ишини режалаштириш**

Округ сайлов комиссияларининг иши «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига асосан ташкил этилади.

Округ сайлов комиссиясининг ишини ташкил қилиш учун қўйидаги тадбирларни режалаштириш зарур:

- ташкилий мажлисни ўтказиб комиссия таркибини тасдиқлаш;
- сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- округ сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
- округ сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайловчиларнинг қундаклик қабулини ташкил қилиш;
- округ сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш;
- округ сайлов комиссияси жойлашган бинони белгиланган тартибда жихозлаш;
- округ сайлов комиссияси аъзолари билан сайлов қонунларини ўрганиш бўйича семинар-машғулотларни ташкил этиш;
- участка сайлов комиссияларининг ишини ташкил қилиш ва биноларини жихозлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

- сайлов варакалари ва сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияларига баённома асосида тақсимлаш;
- сайловчиларнинг мурожаатларини белгиланган муддатда кўриб чиқиш;
- ишни Марказий сайлов комиссиясининг методик тавсиялари асосида ташкил этиш.

## V. Округ сайлов комиссиялари аъзолари

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Округ сайлов комиссияси аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

Округ сайлов комиссияси аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Округ сайлов комиссияси аъзоси:

- комиссиянинг мажлиси ҳакида олдиндан хабардор бўлишга;
- комиссия мажлисида сўзга чиқишга, таклифлар киритиш, ўз таклифларини овозга қўйишни талаб қилиш, мажлис иштирокчиларига саволлар бериш ва жавоблар олишга ҳакли;
- сайловга тааллукли ҳар қандай ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш ва улардан нусхалар олиш, нусхаларни тасдиқлаб беришни талаб қилишга ҳакли;
- комиссия раиси, унинг ўринбосари ва котибнинг топширикларини бажаради;
- мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан овоз беради ва қонунларда назарда тутилган тартибда унинг қарорларини имзолайди;
- комиссия раиси топшириғига асосан сайлов бюллетенлари ва варакаларини далолатномалар асосида тарқатади;
- участка сайлов комиссияларига амалий ёрдам беради;
- участка сайлов комиссияларининг овозларни санаб чиқиш баённомаларини қабул қилишда иштирок этади;
- қонунлар ва ушбу йўрикномада белгиланган ҳамда вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Округ сайлов комиссияси аъзоси округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини тутагтунга қадар иш берувчининг ташаббуси билан эгаллаб турган вазифасидан озод этилиши ёки бошқа ишга унинг розилигисиз ўтказилиши мумкин эмас.

Округ сайлов комиссияси аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партияниң аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Округ сайлов комиссияси аъзоси қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, унинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинган тақдирда у комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси аъзоси шахсан берган аризасига асосан, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Округ сайлов комиссияси аъзосига Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадан гувоҳнома берилади.

## **VI. Округ сайлов комиссияларининг бинолари ва уларни жиҳозлаш**

Округ сайлов комиссиясини жойлаштириш учун Коракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан (камида тўрт хонадан иборат) бино ажратилади.

Округ сайлов комиссияси биноси Марказий сайлов комиссиясининг методик тавсияларида белгиланган тартибда жиҳозланган, алоқа ва ташкилий техника воситалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, йўриқномалари, низомлари, сайловга бағишланган рисолалар, кундалик газета ва журналлар билан таъминланган бўлиши лозим.

Шунингдек, комиссия биносида Давлат байроғи, Давлат герби ва сайлов округининг харитаси бўлиши шарт.

## **VII. Округ сайлов комиссияларининг муҳри**

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадан муҳрга эга бўлади.

## **VIII. Сайлов бюллетени ва сайлов варақаси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг шакли ҳамда матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Сайлов бюллетени ва сайлов варақасига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибida киритилади.

Сайлов бюллетени ва сайлов варакасига уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан бюллетенлар сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганида, сайлов варакаларини эса муддатидан олдин овоз бериш бошлинишига камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринbosари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас.

## **IX. Округ сайлов комиссияларининг участка сайлов комиссиялари билан ишлаши**

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб, туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Участка сайлов комиссиялари сайловга камида қирқ кун қолганида 5–19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринbosари ва котибдан иборат таркибда округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкаси нинг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қиласди.

Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларига ташкилий-методик ёрдам кўрсатади, қонунлар, Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари билан таъминлайди, участка сайлов комиссиялари аъзолари билан ўкув машғулотларини ташкил қиласди.

## **X. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларининг баённомали-ри асосида округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варакаларини олган сайловчиларнинг сонини, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган

овозларнинг сонини, ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баённомада акс эттирилади. Баённома комиссия раиси, раисининг ўринbosари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

## **XI. Округ сайлов комиссияларини молиялаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссияси тасдикланган харажатлар сметасига асосан маблағ ажратади ва округ сайлов комиссияларига юборади.

Округ сайлов комиссияси раиси ҳисоб рақамига келиб тушган маблағларни харажатлар сметасига асосан участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди.

Округ сайлов комиссиясига ажратилган маблағлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда комиссиянинг фаолиятини таъминлаш учун сарфланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкаларига ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисида участка сайлов комиссияларидан белгиланган тартибда ҳисботлар олади.

Округ сайлов комиссиясининг раиси ажратилган маблағларнинг мақсадли ва тўғри ишлатилиши бўйича масъул бўлиб, сайлов тугаганидан сўнг 10 кун ичida Марказий сайлов комиссиясига ҳисбот тақдим этади. Okруг сайлов комиссияси томонидан сарфланмаган бюджет маблағлари Марказий сайлов комиссиясига қайтарилади.

## **XII. Сайловга оид қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги ариза, шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш**

Округ сайлов комиссияси ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари қарорлари устидан келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиб ҳал этади.

Мурожаатлар округ сайлов комиссияси раисининг кўрсатмасига биноан комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилади, зарур бўлганда комиссия мажлиси муҳокамасига киритилади.

Округ сайлов комиссияси қонунбузилишининг олдини олиш ва бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда текшириш ўтказиш учун хукуқни муҳофаза этувчи органларга мурожаат этишга ҳақли. Хукуқни муҳофаза этувчи орган-

лар қонунда белгиланган муддатда (беш кун ичида), сайлов куни эса дарҳол текшириш ўтказиб, натижалари тўғрисида комиссияга ахборот бериши шарт.

Округ сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Марказий сайлов комиссияси шикоят қилиниши мумкин. Марказий сайлов комиссияси шикоятни округ сайлов комиссиясиага юбормасдан кўриб чикиб, куйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

- шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш;
- комиссия қарорини бекор қилиш ва тегишли қарор қабул қилиш;
- округ сайлов комиссиясининг қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиб, шикоятни комиссияга текширув ўтказиш учун юбориш тўғрисида.

Округ сайлов комиссиясининг қарорлари устидан берилган шикоят мурожаат этилган кундан бошлаб 3 кунлик муддатда, агар сайловга б кундан кам муддат қолган бўлса – дарҳол тегишли суд томондан кўриб чиқилади.

### **XIII. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Сайловни ўтказишнинг қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайданиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш хукукларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов хужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиқсан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки қонуннинг бошқача тарзда бузилишига йўл кўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қиласан ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳакоратомуз муносабатга йўл кўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет тармоғи)га жойлаштириш тақиқланади.

Сайловни ташкил қилиш, ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов хужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варакаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашга йўл кўйган комиссия аъзолари қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### **XIV. Сайлов хужжатлари, муҳрларнинг сакланиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ хужжатлар саклаш учун Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 28 декабрдаги 368-сонли қарори билан тасдиқланган йўриқномага мувофиқ тайёрланади ҳамда топширилади.

Округ бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари (агар фикрлар бўлса), овоз бериш ёки овозларни санаб чиқиши чоғида йўл кўйилган қонунбузилишлар тўғрисида комиссияга тушган аризалар, шикоятлар ҳамда ушбу аризалар ва шикоятлар юзасидан хulosалар, кузатувчиларнинг рўйхати комиссия томонидан Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Баённоманинг иккинчи нусхаси, комиссиянинг молиявий ҳисботлари, ариза, шикоятлар ҳамда улар юзасидан хulosалар, сайлов округи харитаси, қонунлар, Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари ва бошқа барча хужжатлар, комиссия муҳрлари комиссиянинг ваколат муддати тугаганидан сўнг далолатнома асосида вилоят ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳига топширилади (хужжатларнинг рўйхати (опись) тузилади ва вараклар рақамланади).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссиясининг 2015 йил 3 февралдаги  
681-сонли Қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига  
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка  
сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий коидалар**

1. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама килинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

2. Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловига камида қирқ кун қолганида 5–19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

3. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги участка сайлов комиссияси раиси вазифасини ваколатхоналарнинг раҳбарлари амалга оширади.

**2-боб. Участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш**

5. Участка сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлиси ҳисобланади.

6. Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини очик ва ошкора амалга оширади. Комиссия мажлисларида юқори турувчи комиссия аъзолари, рўйхатга

олинган номзодлар, номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар вакиллари, аккредитациядан ўтган маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишга ҳақли.

Мажлисларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалири вакиллари ва бошқалар таклиф этилиши мумкин.

7. Мажлис комиссия аъзолари таркибининг камидаги учдан икки қисми ҳозир бўлганида ваколатли ҳисобланади.

Комиссия мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камидаги учдан бир қисми талабига биноан чакирилиши мумкин.

8. Комиссиянинг барча қарорлари комиссия аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Мажлисда кун тартиби, иштирок этган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади.

Баённомага мажлисда қабул қилинган қарор, хулоса ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан алоҳида фикрлари илова қилинади.

9. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқиша ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш хукуқига эгадирлар.

Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

### **З-боб. Участка сайлов комиссияларининг ваколатлари**

10. Участка сайлов комиссиялари:

- участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;
- сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таниширади, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қиласида ва кўриб чиқади ҳамда уларга тегишли ўзгартышлар киритиш масаласини ҳал қиласида;
- сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қиласида;
- сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қиласида;
- овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутилари (1-илова) тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

- сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;
- сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;
- сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ўюнтириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;
- «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Участка сайлов комиссияларининг аъзоси:

- комиссия мажлислирида иштирок этишга;
- комиссия ваколатига киритилган масалалар юзасидан таклиф киритиш ва мазкур масала бўйича овоз беришни ўтказишни талаб қилишга;
- комиссиянинг сайловга оид ҳужжатлари билан танишиш ҳамда бу ҳужжатларнинг нусхаларини олишга;
- комиссия мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан овоз беришга ва унинг қарорларини қонунда белгиланган тартибда имзолашга;
- сайлов бўллетенлари ва сайлов варажаларини санаб чиқишида иштирок этишга ҳакли.

Участка сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссияси ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

12. Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, унинг ишончли вакили этиб рўйхатта олинган комиссия аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган ҳисобланади.

13. Участка сайлов комиссияси аъзоси унинг қарорига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўргача ойлик иш ҳаки сакланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиниши мумкин.

14. Участка сайлов комиссияси аъзоси ўз ваколат муддати тугагунига қадар сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

15. Участка сайлов комиссияси аъзоларига округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси) томонидан белгиланган намунадаги гувоҳномани беради.

16. Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдир.

17. Участка сайлов комиссиялари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, сиёсий партияларнинг идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Улар эса мурожаатни кўриб чиқиб, З қун ичida комиссияга жавоб қайтаришга мажбурдир.

18. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

19. Участка сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган мухларга эга бўлади.

#### **4-боб. Участка сайлов комиссиялари ишини режалаштириш**

20. Участка сайлов комиссиясининг иши «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури»га мувофиқ режалаштирилади.

21. Участка сайлов комиссияси:

- аҳолини сайлов комиссиясининг жойлашган манзили, телефон рақами, иш вақти, овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиши;
- сайловчиларни қабул қилишни ташкил этиши;
- комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни таҳсимлаши;
- участка сайлов комиссияси биноси ҳамда овоз бериш хонасини жиҳозлаши;
- туман ва шаҳар ҳокимликларидан сайловчилар тўғрисида маълумотларни талаб қилиб олиши, унга аниқлик киритиши, сайловчилар рўйхатини тузishi ва ҳамма танишиб чикиши учун тақдим этиши;
- округ сайлов комиссияларидан далолатномалар асосида сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиши;
- сайлов варақалари ва бюллетенларини 2 нафар комиссия аъзоси имзоси ва комиссия мухри билан тасдиқлаши ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни режалаштириши зарур.

#### **5-боб. Овоз беришни ташкил этиш**

22. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

23. Овоз бериш биносида ёритиш мосламалари ўрнатилган ва ёзув анжомлари билан таъминланган кабиналар бўлиши керак.

24. Овоз бериш биносидаги ахборот стендидаги куйидагилар жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонундан кўчирмалар;
- фуқароларнинг сайлов хуқуқларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун хужжатлари нормаларидан кўчирма;

- овоз бериш тартиби;
- Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастури;
- сайловчилар рўйхати.

25. Ахборот стендида жойлаштириладиган материаллар сайловолди ташвиқотига дахлдор бўлмаслиги керак.

26. Овоз бериш хонаси жойлашган бинода:

- сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа бўлиши;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби ўрнатилган бўлиши;
- «Она ва бола» хонаси, тиббиёт хонаси ва кузатувчилар учун алоҳида жойлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

27. Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда сайлов участкасининг кўрсаткичлари бўлиши керак (2-илова).

28. Сайлов участкасида ёнфинга қарши воситалар бўлиши шарт.

## **6-боб. Сайловчиларнинг рўйхати**

29. Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва котиби имзолайди.

Участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

30. Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни беради.

31. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган туманларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардан ташкарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатига умумий асосларда киритилади.

32. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

33. Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришини ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

34. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузиладиган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

35. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек суд хукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сакланаётган фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

36. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда, қамоқда саклаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинилиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

37. Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади.

38. Ҳар бир фуқарога рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни қўрсатишда ноаниклика йўл қўйилганлиги хусусида шикоят қилиш хукуки берилади.

Ушбу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов куни эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёки аризачига унинг талаби инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги асослантирилган қарорнинг бир нусхасини бериши шарт.

39. Участка сайлов комиссияси қарори устидан туман (шаҳар) судига сайловдан кечи билан уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин, туман (шаҳар) суди шикоятни икки кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбур.

Туман (шаҳар) судининг қарори қатъийдир. Участка сайлов комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тузатиш киритади.

## 7-боб. Сайлов бюллетени

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетеининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов бюллетеинига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи қўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади.

42. Сайлов бюллетеинида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

43. Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан сайлов бюллентлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади.

Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллентлари сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

44. Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллентларини сайловга камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллентларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

45. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллентларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас.

46. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо кўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади.

47. Участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллентлари овозларни санаб чиқища хисобга олинмайди.

48. Сайлов бюллентларининг сақланиши бўйича участка сайлов комиссиялари масъулдир.

49. Ички ишлар органлари сайлов бюллентлари олинган кундан бошлаб бюллентлар ҳамда сайлов ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг кўрикланишини таъминлайди.

## **8-боб. Муддатидан олдин овоз бериш**

50. Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

51. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз бериш сайлов варакалари орқали амалга оширилади.

52. Участка сайлов комиссиялари сайлов варакаларини округ сайлов комиссияларидан муддатидан олдин овоз беришга камида уч кун қолганида оладилар.

53. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

54. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варакасини олади.

55. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камидаги икки нафар аъзоси ҳозирлигига сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

56. Сайлов варақаси маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

57. Сайловчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпик конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдикланади.

58. Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов варақасига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи қўрсатилган ҳолда алифбо тартибida киритилади.

60. Сайлов варақасида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак. Сайлов варақалари давлат тилида, округ сайлов комиссиясининг қарорига асосан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам сайловга камидаги йигирма кун қолганида нашр этилади.

#### **9-боб. Қамоқда сақлаш жойларида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш**

61. Қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига бириктирилади.

62. Сайлов участкаларининг жойлашуви қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан белгиланади.

63. Президентликка номзодлар уларнинг ишончли вакилларига қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар – сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

64. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан сайлов комиссияларининг ахборот плакатлари ва сайлов кампаниясига доир бошқа ахборотлар билан мазкур ахборотларни сайловни ўтказиш учун ажратилган жойлардаги ахборот стендларига жойлаштириш орқали таништирилади, сайловолди тадбирлари ҳамда овоз бериш куни ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

65. Қамоқда сақлаш жойларининг ички тартиб-коидалари ва режимидан келиб чиқиб, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар овоз бериш биносига камера бўйича келтирилади.

## **10-боб. Овоз беришни ташкил этиш**

66. Овоз бериш сайлов куни соат 06 дан соат 20 гача ўтказилади.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор киласи.

67. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, ҳарбий қисмларда, фуқароларнинг олис ва бориши кийин бўлган ерлардаги жойларида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, камоқда саклаш жойларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти, рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

68. Сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради.

69. Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

70. Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдиради (3-илова).

71. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади.

72. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

73. Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратта белги-крестик (плюс) кўяди.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

## **11-боб. Овоз бериш натижаларини аниқлаш**

74. Участка сайлов комиссиясининг раиси овозларни санаб чиқишдан олдин овоз бериш кунида ёки ундан олдин тузилган сайлов ҳужжатларининг мавжудлигини текшириши шарт.

75. Участка сайлов комиссияси раиси соат 20 да овоз бериш якунланганидан кейин ҳозир бўлганларга комиссия аъзоларининг сайловчилар овозларини санаб чиқишда қуидаги харакатлар кетма-кетлигини эълон қиласи:

- фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варакаларини санаб чиқиш ва бекор қилиш;
- сайловчилар рўйхати билан ишлаш;
- кўчма овоз бериш кутиларидаги (хар бир кўчма қути бўйича навбати билан) белгиланган шаклдаги сайлов бюллетенларини санаб чиқиш;
- стационар овоз бериш кутиларини очиш;
- сайловчилар овозларини санаб чиқиш;
- овоз бериш натижалари хақидаги баённомани тузиш;
- участка сайлов комиссиясининг якуний мажлисини ўтказиш, овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида келиб тушган шикоят (ариза)ларни кўриб чиқиш, овоз бериш натижалари тўғрисида қарор қабул қилиш, баённомани имзолаш, баённоманинг тасдиқланган нусхаларини бериш.

Баённома комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

76. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов кутиларини очиш тақиқланади.

77. Овоз бериш тугаганидан сўнг, фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари сайлов кутиларини очищдан олдин участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқлади ва бекор қилинади.

78. Сайлов кутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари хозирлигига очилади.

79. Сайловчи тўлдиришда хатога йўл қўйган ва унинг ўрнига янги сайлов бюллетени ёки варакаси берилган, бу ҳақда сайловчилар рўйхатига ва мазкур бекор қилинган сайлов бюллетени ёхуд варакасининг орқа томонига тегишли белги қўйилган сайлов бюллетени ёки варакаси бузилган ҳисобланади.

Бекор қилинган, фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенларининг умумий сони овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомада кўрсатилади.

80. Бевосита овозларни санаб чиқищдан олдин комиссия аъзолари сайловчилар рўйхатининг ҳар бир варагига шу варак бўйича умумий маълумотларни киритади.

81. Маълумотлар киритилганидан кейин сайловчилар рўйхатининг ҳар бир вараги ушбу маълумотларни киритган комиссия аъзоси томонидан имзоланади ва умумлаштирилади ҳамда комиссия раиси ва овозларни санаб чиқища иштирок этётган аъзоларга маълум қилинади.

82. Сайловчилар рўйхатининг барча вараклари бўйича якуний умумий маълумотларни комиссия раиси эълон қиласи, сайловчилар рўйхатининг охирги варагига киритади, ўз имзоси ва сайлов участкасининг муҳри билан тасдиқлайди.

83. Овозларни санаб чиқиши бошлашдан олдин комиссия раиси иштирокчиларга овозларни санаб чиқишига оид қонун хужжатлари талабларини тушунтиради.

Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш комиссия аъзолари томонидан овоз бериш қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варакалари бўйича амалга оширилади. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш овоз бериш биносида ўтказилади.

84. Сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари ҳозирлигига сайлов варакалари солинган ёпиқ конвертлар стационар қутиларга ташланади.

85. Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетенъ олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

86. Сайлов қутиларида бўлган сайлов бюллетенлари ва сайлов варакалари асосида комиссия:

- овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;
- ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;
- ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари, сайлов варакалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенларига ва сайлов варакаларига кўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

87. Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринbosари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

88. Белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қофоз сифати, босмахона (типография) шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) ва участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиш пайтида ҳисобга олинмайди, алоҳида ўралади ва муҳрланиб, бу ҳақда далолатнома тузилади.

89. Далолатнома овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома билан бирга округ сайлов комиссиясига юборилади.

90. Овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (плюс) кўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги кўйилмаган сайлов бюллетенлари ва сайлов варакалари ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайлов бюллетенининг сайлов варакасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

91. Сайлов бюллетенларини санаб чиқиш ҳар бир номзод учун берилган овозлар бўйича алоҳида-алоҳида, участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Овоз бериш натижалари тўғрисидаги маълумотлар баённомага киритилади.

92. Санаб чиқиш тугаганидан кейин сайлов бюллетенлари овоз берилган номзодлар бўйича алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралади ва тегишли тартибда расмийлаштирилиб, қопларга солиниб, мухрлаб кўйилади.

93. Зарур ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин комиссия якуний мажлис ўтказади, унда овоз бериш ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш вақтида йўл кўйилган қонунбузилишлар ҳақидаги шикоят ҳамда аризалар кўриб чиқилади.

94. Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тузишдан олдин комиссия раиси ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунида ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш тугагунича келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотни етказади, тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа хужжатларни кўрсатиб ўтади, комиссия фаолияти бўйича эътирозлар, шикоятлар бор-йўклигини аниқлайди (зарур ҳолларда комиссия эътиroz, шикоятларни кўриб чиқади ва қарор қабул қиласди).

95. Овоз бериш кунида ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш тугагунича келиб тушган барча шикоятлар (аризалар) овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага илова қилиб кўйилади.

96. Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қиласди, шундан кейин комиссия аъзолари овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани имзолайдилар ва овоз бериш натижаларини мухокама килиш вақтида ҳозир бўлган шахсларга уларнинг илтимосига кўра баённома нусхаларини берадилар.

Нусхани олган шахс реестрга имзо кўяди. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома округ сайлов комиссиясига юборилади.

97. Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома участка сайлов комиссиясининг мухри билан тасдиқланади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага ҳар қандай ўзгартиришлар киритишга йўл кўйилмайди.

Агар овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тўлдириш вақтида комиссиянинг айrim аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда баённомада уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмuni юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳакли, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

98. Участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган хужжатларни ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ сайлов комиссиясига олиб бориб топширади.

## **12-боб. Такрорий овоз бериш**

99. Сайловда икки ёки ундан ортиқ номзод иштирок этган тақдирда, агар номзодларнинг биронтаси ҳам овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки нафар номзод иштироқида такрорий овоз бериш ўтказилади.

100. Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлади. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

101. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган участка сайлов комиссиялари ва сайловчилар рўйхати бўйича ўтказилади.

102. Такрорий овоз беришда унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

## **13-боб. Сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш**

103. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллабкуватлаш тақиқланади.

104. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вактида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

105. Участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ажратилган пул маблағларини белгиланган тартибда сарфлайдилар.

Сайловда участка сайлов комиссияси ўз ҳисоб рақамига эга бўлмайди.

106. Участка сайлов комиссияси сайлов ўтказилганидан кейин 10 календарь кундан кечикмасдан округ сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун мазкур комиссия томонидан ажратилган давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши ҳақидаги ҳисботни тақдим этади.

107. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияларига ажратилган, аммо сарфланмаган давлат маблағлари молиявий ҳисбот топширилгунига қадар Марказий сайлов комиссияси ҳисоб рақамига улар томонидан қайтарилади.

## **14-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш**

108. Комиссия ўз ваколатлари доирасида сайлов кампанияси давомида унга келиб тушган сайлов қонунчилигининг бузилишига оид мурожаатларни кўриб чиқишга, бу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказишга ва натижалар юзасидан беш кунлик муддатда, аммо сайлов куни арафасидан кечиктирмасдан, сайлов кунида келиб тушган мурожаатлар бўйича эса – дархол жавоб беришга мажбур.

Агар мурожаатларда баён этилган ҳолатлар қўшимча текширув ўтказишни талаб қилса, улар бўйича қарорлар ўн кунлик муддатдан кечиктирилмасдан қабул қилинади.

109. Мурожаатлар алоҳида китобда рўйхатга олинади. Комиссия раиси мурожаатни кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш учун қонунда белгиланган муддатда комиссия мажлисини чакиради.

Мажлисга мурожаат қилувчилар ва манфаатдор тарафлар таклиф қилиниши мумкин.

110. Комиссия қарорининг нусхалари мурожаат қилган ва манфаатдор тарафларга берилади, шикоятлар ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага илова қилинади ҳамда юқори турувчи комиссияга юборилади.

## **15-боб. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

111. Сайловни ўтказишнинг қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳукуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайн нотўғри санаб чикқан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки қонуннинг бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

112. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

113. Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр

этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телеқоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

#### **16-боб. Участка сайлов комиссияларининг хужжатлари, мухрлари ва овоз бериш қутиларини саклаш**

114. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ хужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 28 декабрь 368-сонли қарори билан тасдиқланган тегишли йўриқномага мувофиқ саклаш учун тайёрланади ҳамда топширилади.


115. Овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённоманинг биринчи нусхаси тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

116. Сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчилар рўйхатлари, участка сайлов комиссиясининг баённомалари, комиссиянинг молиявий ҳисоботлари, овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённоманинг иккинчи нусхалари, кузатувчилар рўйхатлари, фуқароларнинг ариза, шикоятлари ва улар юзасидан қарорлар, комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари, сайлов участкасининг харитаси ва бошқа хужжатлар комиссиянинг ваколат муддати тугагач далолатнома бўйича туман ва шаҳар ҳокимликларига саклаш учун топширилади.


#### **17-боб. Якуний қоидалар**

117. Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якуnlари чиқарилганидан сўнг тўхтатади.

**СТАЦИОНАР САЙЛОВ КУТИЛАРИ**



## КЎЧМА САЙЛОВ ҚУТИСИ




Кўчма сайлов қутилари бинодан ташқарнида овоз берниш учун мўлжалланган.

Овоз берниш учун кўчма сайлов қутиларининг габаритлари  $30 \times 20 \times 35$  см бўлиши керак. Олдиндан овоз берниш учун кўчма сайлов қутиларининг сони телишли участка сайлов комиссиясининг карори билан белгиланади ва уларнинг ҳар бирига тартиб раками кўйилган бўлиши керак. Овоз берниш қутилари улар мухрланган пайтдан то очилгунича участка сайлов комиссияси аъзолари, кузагувчиларнинг назоратида бўлиши лозим.


Сайлов қутиларининг сақлантиши юзасидан назорат олиб борниш комиссия карори билан белгиланадиган участка сайлов комиссияси аъзоси зинмасига юклатилади.

2-ИЛОВА

## МАЙДОНИ КЕНГ БЎЛГАН ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИ




## МАЙДОНИ КИЧИК БЎЛГАН ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИ



## ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ КАБИНАЛАРИНИНГ ЭСКИЗИ

Яширин овоз бериш кабинаси у жойлашган хонада хозир бўлганлар томонидан сайловчичининг яшириш овоз беришини кузатишга имкон бермайдиган ва унинг ўз кохиш-иродасини эркпи билдиришини таъминлайдиган даражада ўралган холда ташкил этилади.



Кабинанинг баландлиги 2 метр ва эни 0,75 метр бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги  
319-сонли Қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг,  
сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси даврида  
сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот  
воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли Қарори билан ўзгартиши киритилган)

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ҳамда сиёсий партиялар томонидан сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Оммавий ахборотни тарқатишнинг доимий номига эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар умум-фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳукуқ берилади.

2. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси) томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Сайловолди ташвиқотини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сунистеъмолликларга йўл қўйилмайди. Сиёсий

партияларга ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан чиқиш ҳуқуки берилади. Сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, ҳалқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши учун ташвиқотни унинг номидан ишончли вакиллар олиб боришлари мумкин.

4. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратадилар.

Даврий матбуот нашрлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг миқдорда нашр майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа тегишли шароитлар яратишлари керак.

5. Оммавий ахборот воситалари ажратиладиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боришлари ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим қилишлари керак.

## **II. Давлат оммавий ахборот воситаларининг бепул ажратиладиган эфир вақти, нашр майдони**

6. Давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, нашр майдони Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга бепул ажратилади.

7. Ҳар бир давлат телевидениеси ва радиоэшиттириш ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ажратиладиган бепул эфир вақти ҳажми Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Давлат телевидениеси ва радиоэшиттиришларида ажратиладиган бепул эфир вақти прайм-тайм (энг кўп томошибинлар (tinglovchilar) йигиладиган) вақтига тўғри келиши керак. Ундан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг сиёсий дебатларини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин.

Чиқишларнинг кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан алифбо тартибида ёки куръа ташлаш йўли билан белгиланади.

8. Давлат даврий матбуот нашрлари томонидан ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган босма майдон миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг тақсимланади.

Бепул ажратиладиган нашр (босма) майдони умумий миқдори рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари бепул эълон қилиниши муддатини белгилайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мазкур Низомда белгилangan тартибда бепул чиқиши хукуки берилади.

10. Сайловолди ташвиқоти учун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муайян номзодга, унинг ишончли вакилларига ҳамда сиёсий партияга ажратилган бепул эфир вақти ёки босма майдондан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бошқа номзод, унинг ишончли вакиллари, сиёсий партия фойдаланиши мумкин эмас.

### **III. Оммавий ахборот воситаларининг ҳақ тўланадиган эфир вақти, нашр майдони**

11. Давлат оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакилларига, сиёсий партияларга ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган эфир вақти миқдори ёки нашр майдоннинг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун бепул ажратилган эфир вақти ёки нашр майдони миқдоридан ошмаслиги керак.

12. Нодавлат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакилларига, сиёсий партияларга ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдон ажратишлари мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти ва босма майдон учун ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига барча номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ва сиёсий партиялар учун teng ва бир хил бўлиши керак.

Кўрсатиладиган ахборот хизматларига тўловлар тарифи оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил тарзда белгиланади.

13. Сиёсий партияларга номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот тадбирларини олиб борганликлари

учун маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан тенг микдорда тақсимланади.

Эфир вақти ёки босма майдони берилганини учун ҳақ тўлаш сиёсий партияниң тегишли ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

14. Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдон ажратиш билан боғлик муносабатлар оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва тегишли сиёсий партиялар ўртасида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

#### **IV. Эфир вақти, босма майдони тақдим этишда оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган талаблар**

15. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

16. Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши керак.

17. Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг розилигиз таҳрир қилиниши мумкин эмас.

18. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиласидиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бирор-бир номзодга, унинг ишончли вакилларига, сиёсий партияга нашртиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмас, сиёсий партиялар томонидан таъсис этилган нашрлар бундан мустасно.

#### **V. Якунловчи қоидалар**

19. Оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ишончли бўлмаган маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан ўзларини тийишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ишончли бўлмаган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб мазкур руқн остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша сахифада эълон қилиниши керак.

Телевидение ёки радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия ёки жавоб ўша дастур ёки кўрсатув (эшиттириш)лар туркумида эфирга узатилади.

Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вакти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига путур етказмаса, уни таҳир килишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилмаса ёхуд эълон килишнинг белгиланган муддатини бузса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

20. Сайлов кампанияси пайтида муассислари (кузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишинча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Сайловолди ташвиқотини хайрия фаолияти билан бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

21. Мазкур Низомга риоя этилиши устидан назорат қилиш тегишли округ сайлов комиссиялари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳамда уларнинг ишончли вакиллари сайловолди кампанияси давридаги чиқишилари мониторингини амалга оширади ва ҳар хафтада Марказий сайлов комиссиясига тегишли қарор қабул қилиш учун хуносалар билан таҳлилий материални тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ҳамда сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги  
319-сонли Қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Сиёсий партиялар томонидан имзолар тўплаш ва имзо  
варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш  
тартиби тўғрисида**

**ЙЎРИҚНОМА**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли Қарори билан ўзгартиши киритилган)

1. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш хукуқига эга.

2. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган тақдирдагина Президентликка номзод кўрсатиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси) сиёсий партияниң сайловда қатнашишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилгандан кейин уларнинг ваколатли вакиллари га рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради.

Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партия, жами сайловчиларнинг умумий сонининг камида беш фоизи миқдорида, камида саккизта маъмурий-худудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) намояндаси бўлган сайловчилардан номзодни қўллаб-кувватловчи имзо тўплаши керак.

Сиёсий партиялар ўзининг ваколатли вакиллари га рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-кувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар факат битта номзодни қўллаб-кувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, кўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб ракамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақаси имзо тўплаган шахс ва тегишли сиёсий партияниң туман, шаҳар тузилмаси раҳбари томонидан тасдиқланади. Бунда имзо варақасида имзо тўплаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб раками кўрсатилади.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партияning вакили Қорақалпогистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

4. Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган хужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан етти кунлик муддат ичида текшириб чиқилади.

5. Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гурухи тузади. Мазкур ишчи гурух таркибига ички ишлар, адлия органларининг мутахассислари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари жалб этилиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо варақаларидаги имзолар соҳталаштирилган деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

6. Қуйидаги имзолар ҳақиқий эмас деб топилади:

а) сиёсий партиялар томонидан рўйхатга олинганлик гувоҳномалари олинган санага қадар тўпланган сайловчиларнинг имзолари;

б) имзо варақасига сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар сайловчиларнинг ўзи ёки сайловчилар имзоларини тўплаган шахс томонидан киритилмаган сайловчиларнинг имзолари;

в) тегишли сайлов округида сайлаш хукуқига эга бўлмаган шахсларнинг имзолари;

г) сайловчиларнинг имзо варақасига бирор-бир маълумотни кўрсатмасдан кўйилган ёхуд сайловчининг ўзи томонидан имзо қўйиш санасини кўрсатмасдан кўйган имзолари;

д) сайловчилар номидан бошқа шахс томонидан кўйилган имзолар;

е) сайловчиларнинг сайловчилар тўғрисидаги маълумотларда тузатишлар киритилган имзолари, агар бу тузатишлар сайловчи ёки имзо варақаларини тасдиқловчи шахслар томонидан қўшимча имзо билан тасдиқланмаган бўлса.

7. Текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олинади.

Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорининг камида 15 фоизи текширувдан ўтказилади.

8. Агар сайловчиларнинг танлаб текшириш пайтида аниқланган ноаниқ ва ҳақиқий бўлмаган имзолари сони текширилиши керак бўлган сайловчи-

лар имзолари умумий сонининг 10 фойизидан ортиқроғини ташкил этса, имзо варақаларини бундан буёғига текшириш тўхтатилади.

Агар сайловчиларнинг Президентликка номзодни қўллаб-қувватлаб тақдим этилган имзолари, бу имзолардан ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолар сони чегириб ташланганда, уларнинг сони рўйхатга олиш учун етарли бўлмай қолган тақдирда ҳам текшириш тўхтатилади.

9. Текшириш учун ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган ҳар бир Президентликка номзодни қўллаб-қувватлаб тўпланган сайловчилар имзоларининг тенг микдордаги сони ажратиб олинади.

10. Ишчи гурӯҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини кўздан кечирадилар, бунда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига, йўл қўйилган тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар мавжудлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўхшаш имзолар, кўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берадилар.

Кўздан кечириш пайтида камчиликлари аниқланган ёки шубҳа туғдирадиган ноаниқликлари мавжуд имзо варақалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

11. Ишчи гурӯҳи текшириш ўтказаётган хонада сиёсий партиянинг вакили кузатувчи сифатида ҳозир бўлиши мумкин. Марказий сайлов комиссияси текшириш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сиёсий партияларга олдиндан маълум қиласи.

12. Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган имзолари сони, сайловчиларнинг текширилган имзолари сони, сайловчиларнинг ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолари сони кўрсатилади. Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига илова қилинади.

Қарор қабул қилинганидан кейин баённомага ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди. Баённоманинг нусхаси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига берилади.

13. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия томонидан кўрсатилган Президентликка номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги  
319-сонли Қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида  
иштирок этувчи кузатувчилар учун**

**ЭСЛАТМА**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли Қарори билан ўзгартиш киритилган)

Ушбу Эслатмада кузатувчиларнинг хуқуқий мақомини, ваколатини, фаолият кўрсатишини тартибга соладиган сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари содда шаклда тушунтирилган, овоз беришнинг бориши юзасидан жамоатчилик қузатувини ташкил этиш ва сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

**Сайловларни кузатиш**

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик қузатувини амалга ошириш учун имконият беради, бу сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигининг энг муҳим шартларидан биридир. Бу хуқук Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олингандарга, уларнинг ишончли вакилларига сиёсий партиялардан кузатувчиларга, оммавий ахборот воситалари вакилларига, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига берилган.

Кузатувнинг мақсади сайлов тўғрисидаги қоидаларни, жумладан сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш тартибини, овоз бериш натижалари тўғрисидаги сайлов комиссиялари баённомаларини тўлдириш тартибини бузмаган ҳолда овоз беришни ҳалол ва адолатли ўтказишни таъминлашдан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича  
сайлов комиссиялари тизими**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (матнда Марказий сайлов комиссияси), округ сайлов комиссиялари, участка сайлов комиссиялари амалга оширадилар.

Уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган.

## Кузатув даври

Кузатув овоз бериш кунида участка сайлов комиссияси иш бошлаган пайтдан бошланади ва округ сайлов комиссияси овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомани қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабардан кейин тугалланади.

## Кузатувчиларнинг мақоми

18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси кузатувчи бўлиши мумкин.

Рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сиёсий партиялардан ҳар бири кузатувчиларни тайинлаш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партиялар ўз кузатувчилари ҳақида сайловга камида ўн беш кун қолганида марказий органи орқали округ сайлов комиссияларига маълум қиласидилар. Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлардан ариза олганидан кейин беш кун мобайнида кузатувчи учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатни беради (1-илова).

Кузатувчининг мандати кузатувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинганида ҳақиқиётдир.

### Кузатувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича ўтказиладиган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;
- сайлов участкаларида ҳозир бўлиш ва тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ҳамда муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенлари берилишини кузатиш;
- овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссияси баённомасини тузиш пайтида ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари ҳақидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраб олиш;
- агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун бузилган деб ҳисоблаш учун асос мавжуд бўлса, ўз кузатувлари ҳақида юқори турувчи сайлов комиссиясига хабар бериш.

### Кузатувчилар қўйидагиларга ҳақли эмаслар:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;
- бирон-бир сиёсий партия, номзодга нисбатан мойиллигини намойиш қилиш;

- ўз мақомидан сайловнинг боришини кузатиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиш;
- сайловчилардан улар кимларни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов кутиларини мухрлашда, уларни очища, овозларни санаб чиқиша аралашиш.

#### **Кузатувчиларга қўйидагилар тақиқланади:**

- сайлов комиссияси ишига халақит берадиган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;
- сайловчилар ўртасида сайловолди ташвиқотини олиб бориш;
- тегишли сайлов комиссияси томонидан қарор қабул қилишда иштирок этиш;
- сайловчиларга сайлов бюллетенларини бериш;
- сайлов бюллетенларини олишда сайловчи ўрнига, шу жумладан унинг илтимосига кўра имзо қўйиш;
- сайлов бюллетенини сайловчи ўрнига, шу жумладан унинг илтимосига кўра тўлдириш;
- сайлов бюллетенларини санаб чиқища бевосита иштирок этиш.

Агар кузатувчи овоз беришнинг сир сақланишини бузса ёки сайловчиларнинг хоҳиши билдиришига таъсир кўрсатишга уриниб, бу билан қонунни бузса, участка сайлов комиссияси қарорига биноан кузатувдан четлаштирилади ва овоз бериш биносидан чиқариб юборилади. Бундай ҳолда комиссия ёзма шаклда асослантирилган қарор қабул қилиши лозим.

#### **Кузатувчининг овоз бериш кунидаги фаолияти**

Кузатувчи ўзи ишлаши керак бўлган округ ва участка сайлов комиссиясининг манзили ва телефонларини, улар раҳбарларининг фамилияларини олдиндан аниқлаб олиши зарур.

Овоз бериш куни кузатувчи участка сайлов комиссияси биносига барвақт келиши, участка сайлов комиссияси раиси ва бошқа аъзолари билан танишиши ҳамда уларга ўзининг шахсини ва ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатиши керак. Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биноси очилгунига қадар ҳозир бўлган комиссия аъзолари ва кузатувчиларни аниқлайди.

Кузатувчи овоз бериш биносида бўлаётган воқеаларни кузатиш қулай бўлган жойни эгаллаши керак.

Кузатувчи шуни билиши керакки, участка сайлов комиссиясининг раиси овоз беришни ташкил этиш, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомани тузиш билан боғлиқ барча масалаларга жавоб беради.

ди. Комиссия раисининг ўз ваколатлари доирасида берган фармойишлари овоз бериш биносида барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир.

Овоз бериш куни эрталаб соат 6<sup>00</sup> да участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносини очик деб эълон қилади ҳамда комиссия аъзолари, кузатувчилар ва бошқа шахсларга кўчма ва стационар сайлов қутиларининг бўш эканлигини кўрсатади. Шундан сўнг, қутилар участка сайлов комиссияси томонидан муҳрланади.

Кузатувчи ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришини, бюллетеннинг кабинада ёки яширин овоз бериш учун маҳсус жиҳозланган жойда тўлдирилишини, бу ерда бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйиб бўлмаслигини билиши лозим. Агар сайловчи бюллетенни олганлиги учун мустақил равишда имзо чека олмаса, истиснога йўл қўйиш мумкин. Бундай ҳолда у комиссия аъзоси, ишончли вакил ёки бирон-бир сайловчи ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари аникланган тақдирда кузатувчи қонунга асосланиб комиссия раисининг эътиборини бу ҳолатга қаратиши ва қонунбузилишларининг олдини олишни талаб қилиши лозим, агар бунга жавоб бўлмаса, йўл қўйилган қонунбузилишлари ҳақида зудлик билан шикоят ёзиши ёки далолатнома тузиши зарур (2, 3-иловалар).

Овозларни санаб чиқиш комиссия томонидан очик ва ошкора амалга оширилади, бунда комиссия аъзолари ҳаракатларининг овоз бериш биносида ҳозир бўлиш хукуқига эга бўлган кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий (халқаро) кузатувчилар иштирокида тўлиқ кузатиб борилиши таъминланмоғи лозим. Овозларни санаб чиқиш натижалари эълон қилиниши ва овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомага киритилиши керак.

Кузатувчининг талабига биноан участка сайлов комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин баённома нусхасини унга бериши ёки баённома нусхасини тайёрлаш имкониятини яратиши ва уни тасдиқлаб бериши шарт. Участка сайлов комиссияси баённома нусхаси берилганлиги фактини тегишли реестрда қайд этади. Нусхани олган кузатувчи бу ҳақдаги реестрга имзо кўяди.

\* \* \*

Кузатувчи ўз ишини тугатганидан кейин бўлиб ўтган сайлов жараёни сайлов қонунчилигига қанчалик мувофиқ бўлганлиги тўғрисидаги ўз таассуротлари ва хулосалари баён этилган қисқача хисобот тайёрлаши керак. Бунда кузатувчининг баҳолари аниқ далилларга асосланмоғи лозим.



МАНДАТ № \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини \_\_\_\_\_

(округнинг номи)

ўтказувчи сайлов округи бўйича кузатувчи

Округ сайлов  
комиссиясининг ранси \_\_\_\_\_

(имзоси) (исми ва фамилияси)

2015 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ гача ҳақиқийдир.

ФОТО

М.ў.

Шахсни таедикловчи ҳужжат кўреатилгандахина ҳақиқий ҳисобланади.

2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентин сайлови  
бўйича \_\_\_\_\_ сайлов округи, \_\_\_\_\_ сайлов участкаси  
комиссияси Раисига

**Сайлов конунчилиги бузилганини тўғрисида  
ШИКОЯТ**

Биз, қўйида имзо чекувчилар шуни маълум киламизки, 2015 йил  
« » куни овоз бериш жараёнида (овоз бериш иатискаларини  
аниқлаш пайтида) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича  
\_\_\_\_\_ сайлов округи, \_\_\_\_\_ сайлов участкасида сайлов конунчилиги бузи-  
линига йўл кўйилди, бу қўйидатиларда намоён бўлди:

---

---

---

---

Юкорида баён этилганларни маълум килар эканмиз, участка сайлов комиссиясидан конунбузилишларга чек кўйиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича зудлик билан чоралар кўришни сўраймиз.

Кузатувчи: \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.О.

Кузатувчи: \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.О.

2015 йил « » соат \_\_\_\_\_ дақиқа

3-ИЛОВЛ

**Овоз бериш жараённда \_\_\_\_\_ сайдов округи, \_\_\_\_ -сайдов  
участкасида сайлов конунчилиги бузилганини түгрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

Биз, кўйинда имзо чекувчилар:

1. Сиёсий партия томонидан тайинланган кузатувчи \_\_\_\_\_

(кузатувчининг Ф.И.О., яшаш жойи манзими)

2. Сайдовчи \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., яшаш жойи манзими)

3. Сайдовчи \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., яшаш жойи манзими)

2015 йил «\_\_\_» \_\_\_ соат \_\_\_ да \_\_\_ сайлов округи,  
\_\_\_\_ -сайдов участкасида кўйидаги конунбузилишларга йўл кўйилганини  
маялум киласиз:

\_\_\_\_\_

Улубу датолатнома 2015 йил «\_\_\_» \_\_\_ соат \_\_\_ да бизнинг иш-  
тирокимизда тузилди ва имзоланди.

\_\_\_\_\_

(имзо)

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТҮҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи куйидаги сайлов округлари тузилсин:

#### **1-Қорақалпоғистон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги биноси, Нукус шахри, У. Татибоев кўчаси, 19-й. Сайловчилар сони – 1159795 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

#### **2-Андижон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шахри, Алишер Навоий кўчаси, 32-й. Сайловчилар сони – 1923333 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

#### **3-Бухоро сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шахри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 3-й. Сайловчилар сони – 1229045 киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

#### **4-Жиззах сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – вилоят маънавияттарғибот бўлими биноси, Жиззах шахри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 70-й. Сайловчилар сони – 813965 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

### **5-Навоий сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – «Фарход» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шохкӯчаси, 67-йй. Сайловчилар сони – 628592 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

### **6-Наманган сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ўилар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кӯчаси, 15-йй.

Сайловчилар сони – 1713268 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

### **7-Самарқанд сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Самарқанд давлат университети кошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кӯчаси, 237-йй. Сайловчилар сони – 2294602 киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

### **8-Сирдарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – вилоят касаба уюшмалари ташкилолари бирлашмаси биноси, Гулистан шаҳри, Мустақиллик кӯчаси, 66-йй. Сайловчилар сони – 513100 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

### **9-Сурхондарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Й-боналир мусенка ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кӯчаси, 12-«В» ўй. Сайловчилар сони – 1515308 киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

### **10-Тошкент вилояти сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – вилоят молия бешкармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шохкӯчаси, 17-йй. Сайловчилар сони – 1905858 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

### **11-Фарғона сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимений ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилтоҳ кӯчаси, 27-үй. Сайловчилар сони – 2342899 киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

### **12-Хоразм сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – «Барқамол авлод» болалар маркази биноси, Урганҷ шаҳри, Faфур Ғулом кӯчаси, 1-үй. Сайловчилар сони – 1127706 киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

### **13-Қашқадарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси биноси, Карши шаҳри, Мустақиллик кӯчаси, 35-үй. Сайловчилар сони – 1903740 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

### **14-Тошкент шаҳар сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент шаҳар хокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаментига карашли бино, Тошкент шаҳри, Мирабод тумани, Амир Темур шоҳкӯчаси, 14-үй. Сайловчилар сони – 1726841 киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур карор матбуотда эълон килинсан.

**Марказий сайлов комиссияси**

**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 7 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
КАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ШАХСИЙ  
ТАРКИБИННИ ТАСДИКЛАШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Конунининг 4, 15, 18<sup>т</sup> ва 19-моддаларига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловинни ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби куйидаги тартибда тасдиқлансанн:

I-Коракалпогистон округ сайлов комиссияси		
Район		
1	Каримов Кенес Айтмуратович	Коракалпогистон Республикаси Ёзувлар уюшмаси район
Район ўринбосари		
2.	Ибрагимов Мухтар Мамутович	Коракалпок давлат университети ўкув шилари бўйича пр ректори
Котиби		
3.	Асамаддинов Эргаш Азламбергенович	Хўжайли тумани халқ таълими музассасалари фаолиятини ме тодик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими чудири
Аъзолари		
4.	Асанов Улугбек Жадигеровиҷ	Коракалпок давлат университети техника факультети «Муҳандислик коммуникациялар курниши» кафедраси ас истенти
5.	Джуманазаров Султанбай Искандарович	«Кинжалхўжаликкимё» хулулий акцияфорлик жамияти Эллинкватъа тумани филиали мудири
6.	Жуманазарова Рамуза Жалғасбаевна	Кегейли тумани молия бўлими бошлиги
7.	Кудайбергенов Сали Тенатович	Коракалпогистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентли ги директорининг ўринбосари

*Даоати*

8.	Матиков Азат Ибрагимович	«Қишлоқ қуролиш инвест» масъулнити чекланган жамияти инжиниринг компаниясы Коракалпогистон филиали директори
9	Наметуллаев Жадигер Абибуллаевич	Канликўл тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими муддири
<b>2-Андижон оқругуғайлов комиссияси</b>		
<b>Ранси</b>		
1.	Мирзабев Обокул	«Андижонфуқаролойтхон» масъулнити чекланган жамияти ранси
<b>Ранси ўринбосари</b>		
2.	Абдуллаев Абдумуталиб	«Андижоннома» ва «Андижонская правда» газеталари бош мухаррирни вазифасини бажарувчи
<b>Котиби</b>		
3.	Ниромов Шукрулло	Олтинкўл туманиндағы 40-мактаб директори
<b>Аъзолари</b>		
4.	Абдуганиев Ядгарбек Жавлонович	Асақа академик лицейи директори
5	Исомиддинова Мухтарамхон	Андижон шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими муддири
6	Камолова Барнохон Нематжоновна	Андижон шаҳридаги Бўстон академик лицейи рус тили ўқитувчisi
7.	Расулов Бахтиёр Махмуджонович	Андижон давлат уннверситети тарих ва ижтимоий фанлар факультети декани
8.	Рахмонов Баходиржон	Андижон вилояти мөхнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш бош бошкармаси хукуқшуноси
9.	Чунохунов Баходир Юлдашевич	Андижон шаҳридаги «Ҳабибий» махалла фуқаролар йигини ранси
10.	Қобулов Отабек Исматуллаевич	Олтинкўл тумани Фермерлар кенгashi ранси
11.	Ҳакимов Дилшод Мамадалиевич	Республика шошилинич тез тиббий ёрдам номин маркази вилоят филиали раҳбари

3-Буҳоро округ сайлов комиссияси		
Ранси		
1.	Даминов Мирзоҳид Низомовиҷ	Буҳоро вилояти ҳалқ таълими бошкармаси бошлиғи
Ранси ўринбосари		
2	Турсунов Каҳрамон Содикович	Буҳоро давлат тиббист институтиши «Йиҳтимоӣ фаплар» кафедраси мудири
Кетиби		
3.	Истомов Лочин Ўқтамовиҷ	Вобкент кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи бўлим бошлиғи
Аъзолари		
4	Бафоев Феруз Муртазоевич	Буҳоро мухандислик технология институти «Тарих» кафедраси доценти
5.	Бобоев Мансур Тошпӯлатовиҷ	Буҳоро шаҳридаги 25-мактаб директори
6	Жўраев Ғуломжон Илхомовиҷ	«Камолот» ешлар ижтимоӣ ҳаракати Олот тумани кенгаши ранси
7.	Негматов Ақмал Шодиевиҷ	Буҳоро шаҳридаги 31-мактаб директорининг маънавий-чарифий ишлар бўйича ўринбосари
8.	Негматов Ғанишер Дилмурадович	Тэълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шоғирён туман кенгаши ранси
9.	Рустамов Шуҳрат Кулниевиҷ	«Нуроний» жамғармаси Вобкент тумани бўлимни ранси
10	Тўраев Хатим	Буҳоро давлат университети «Тарих» кафедраси профессори
11	Тўхтамишова Салтанат Болтаевна	Жондор саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси
4-Жиззах округ сайлов комиссияси		
Ранси		
1	Саттаров Абдумажид Саттарович	«Маҳалла» ҳайрия жамоат фондининг Жиззах вилоятин бўлимни ранси

Даоати

<b>Ране ўринбосари</b>		
2.	Жабборов Эргаш Омонович	Жиззах вилояти халқ таълими бошкармаси бошлиги
<b>Котиби</b>		
3.	Матнёзов Бакдурди Ибрагимович	Жиззах политехника институтининг молиявий-иктисодий ишлар бўйича проректори
<b>Аъзолари</b>		
4.	Абдурахманов Шухрат Тоштэмирович	Зафаробод тумани Фермерлар кенгаси рапси
5.	Жабборов Элдор Фуркатович	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг килиш мустақил институти Жиззах вилояти худудий бўлинмаси катта мутахассиси
6.	Камолов Турсунубой Набиҳўжасевич	«Жиззах ҳақиқати» газетаси бўлим мухаррири
7.	Мухитдинова Минигул Аскаровна	Жиззах вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачанинг эпидемиология масалалари бўйича ўринбосари
8.	Нишонов Кудрат	«Нурониб» ясамгармаси Зарбдор тумани бўлими рапси
9.	Умирхолова Норой Ерназаровна	Паҳтакор тумани статистика бўлими бошлиги
10.	Умаров Фахриддин Оқилович	Жиззах тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиги
11.	Умаров Шухрат Хабибович	«Жиззах аккумулятор заводи» акциондорлик жамияти бош мухандиси
<b>5-Навоий суруг саллов комиссияси</b>		
<b>Рапси</b>		
1.	Мавлинов Ўткир Халимович	Навоий вилояти юз касаллклари шифохонаси шифокори
<b>Ране ўринбосари</b>		
2.	Мирзаев Баходир Риззевич	Кизилтепа тумани 40-иҳтинослаштирилган мактаб-интернати директори

<b>Котиби</b>		
3.	Ахмадов Хусниддин Аликулович	Навоий давлат кончиллик институти ректорининг маънавий-ахлоий тарбия ишлари бўйича проректори
<b>Аъзолари</b>		
4.	Буронов Азамат Бурхонович	Карманатумани «Жадойир» кишлок фуқаролар йигини масъул котиби
5.	Дуйсенов Полат Юсупович	Конимех тумани давлат ветеринария бўлинмаси бошлиғи
6.	Иргашева Нилуфар Ураловна	Навоий шаҳар I-онлавий поликлиника бош шифокори
7.	Махамматкулов Фазилддин Бобомуротович	Навоий давлат педагогика институти юшидаги академик лицей директори
8.	Прокошев Владимир Александрович	«Қизилқумшемент» акциядорлик жамиятни бош мухандиси ӯринбосари
9.	Рахматов Исроил Курбанович	«Навоий кон-металлургия комбинати» ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ранси
10.	Толибов Хуршид Мусоевич	Зарафшон шаҳридані 3-умумтаълим мактаби директори
11.	Тухфатуллина Диляра Темировна	Навоий шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими чудири
<b>6-Няманганс округ сийлов комиссияси</b>		
<b>Ранси</b>		
1.	Ортиков Ғанижон Рахматуллаевич	Чорток туманиндағи 1-умумтаълим мактаби директори
<b>Ранси ӯринбосари</b>		
2.	Эшматов Якубжон	«Нуроний» жамғармаси Косонсой тумани бўлинмаси ранси
<b>Котиби</b>		
3.	Мирзабаев Қобижон Косимович	Вилоят халқ таълими бошқармасига карашли 21-иختисослаштирилган мактаб-интернати директори

<b>Аъзолари</b>		
4.	Камалов Бобуржон Хамидович	«Кафолат» давлат акциядорлик сугурта компанияси Чорток тумани бўлими бошлиғи
5.	Муродов Ўқтамжон Бадридинович	Пол туманидаги 23-умумтаълим мактаби директори
6.	Нажмилдинов Абдумуталиб	Ўзбекистон «Махалла» ҳайрия жамоат фонди Уйчи тумани бўлишмаси ранси
7.	Рахимов Мансур Рахматжанович	Учиқурғон тумани бандарка юмашлашни ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш маркази директори
8.	Рахматуллаев Улугбек Ибодуллаевич	Янгиқурғон тумани мусиқа мактаби директори
9.	Усмонов Акмалжон Юсупович	Наманган тумани ҳалқ таълими бўлими касаба уюшма ранси
10.	Эгамбердиев Омонида Икромович	Шаханд агрономисодиёт касб-хунар коллежи психологи
11.	Қосимов Нооманди Нурмаматович	Тўракурғон туманидаги 45-умумтаълим мактаби директори
<b>7-Самарқанд округ сайдов комиссияси</b>		
<b>Ранс</b>		
1	Аллаяров Яхшинор Норбекович	Самарқанд давлат тиббиёт институти иччи назорат бошлиғи
<b>Ранс ўринибосари</b>		
2	Маматов Худоёр Тешаевич	Самарқанд вилояти адлия бошкармаси бошлиғи
<b>Котиби</b>		
3.	Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич	Самарқанд вилояти ҳокимлигиги мөхнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш бош бошкармаси бошлиғи ўринибосари
<b>Аъзолари</b>		
4.	Бобоназаров Баҳодир Кадирович	Акциядорлик тиқкорат «Агробанк» Самарқанд вилояти бошкармаси бошлиғи

5.	Ильинев Бекзод Турсунович	Булунгур манзаний хизмат касб-хунар коллежи директори
6.	Маматкулова Дилором Хайдаровна	Самарканд транспорт ва коммунал ҳўжалик касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
7	Саъдуллаев Толибжон Рахматуллаевич	Иштиқон туманиндағи «Толибжон Саъдуллаев» фермер ҳўжалиги бошлиғи
8.	Султонов Шекир Куванович	Каттакўргон шахар ҳалк таълими муассасалари фасолнятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
9.	Хайдаров Комил Донабосович	Самарканд вилояти педагог қадрларни қайта таъёрлаш ва ма-лакасини ошириш институти доценти
10	Хидиров Фарход Ниятович	Самарканд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши рәсси
11.	Юлдашев Рустам Даниёрович	Самарканд вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошкармаси бошлиғи

#### 8-Сирдарё округ сийлов комиссияси

##### Ранси

1.	Маматкулов Шукурали Аблурхимович	«Сирдарё иесинклук электр станцияси» акциядорлик ясамнити бош мухандиси
----	--	---

##### Ранс ўринбосари

2.	Шерназаров Ахмадалин Мустафакулович	«Ҳашк сўзи» газетасининг вилоят бўйича мухобри
----	---	--

##### Котиби

3	Юсупов Ғайбулла Гадайбаевич	Республика Маънавият тарбибот маркази Сирдаре вилоятини бўлими раҳбари
---	-----------------------------------	--

##### Аъзолари

4	Акбулаев Камоледдин	Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ранси
5.	Джуроев Лазизбек Холматович	«Камолот» ёшлар ижтимоний ҳаракати Сирдарё вилоятини кенгаши ранси ўринбосари

Давоми

6.	Исломова Насибали Турсунбаевна	Гулистон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби директори
7.	Иўлдошев Баходир Ботирович	Сирдарё вилояти ўрта маҳсус, касб-хунар таълим бошқармаси мутахассиси
8.	Талипов Улугбек Абдисалиевич	Сирдарё вилояти ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи
9.	Тогаев Анвар Эрмаматович	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли моддий-маданий мерос объектлари Сирдарё вилояти инспектори
10.	Удаева Сайёра Абдурахмановна	Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси
11.	Хидиров Баходир Иргашевич	Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

#### 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси

##### Раиси

1.	Ахмедов Абдукарим Абдурахмонович	Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси
----	----------------------------------	---

##### Раис ўринбосари

2.	Курбанов Чори Шаймаматович	Термиз темир йўл бирлашган шифохонаси бош шифокори
----	----------------------------	--

##### Котиби

3.	Қодирова Муяссар Жумаевна	Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси
----	---------------------------	---

##### Аъзолари

4.	Абдиев Янгибой Тулаганович	Жарқўрғон тумани «Жарқўрғоннефть» акциядорлик жамияти бош муҳандиси
5.	Абдирасолов Фахриддин Мусурмонович	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилояти филиали директори
6.	Мажидов Аҳмат Нажмиддинович	Олтинсой тумани фермерлар кенгаши раиси
7.	Нурмуҳамедов Ботир Ўралович	Марказий банк Сурхондарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

8.	Рузиев Бахтиёр Эшмуминович	Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
9.	Сафаров Шерали Кудиратович	«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шўрчи тумани бўлинмаси раиси
10.	Чориев Абдузоир	«Нуроний» жамғармаси Шеробод тумани бўлими раиси
11.	Шарипов Фирдавс Хоназарович	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси

**10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси**

**Раиси**

1.	Абдуллаев Нурмуҳамат Нурматовиҷ	«Ўзбекистон Фаҳрийларни ижтимоий қўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси
----	---------------------------------------	--

**Раис ўринбосари**

2.	Сувонов Холтўра Адилбаевич	Вилоят чорва озукаси бош бирлашмаси директори
----	----------------------------------	---

**Котиби**

3.	Бобокулов Сироҷиддин Суюнович	Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
----	-------------------------------------	--

**Аъзолари**

4.	Аминов Рустам Караматович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
5.	Бахромова Марҳабо Қўчкоровна	Зангиота туманидаги 59-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси
6.	Кадиров Бориржон Абдубаситович	«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси 2-қозон турбина цехи катта машинисти
7.	Мухиддинов Файзиддин Абдуваҳобовиҷ	Қибрай туманидаги «Ёнариқ Мухиддинов Файзиддин» фермер хўжалиги раҳбари
8.	Таджибаев Гафурджон Ходжибаевич	Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори

Давоми

9.	Ташбаев Мирзабек Махмуджонович	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши раисининг ўринбосари
10.	Хамрокулова Сохибахон Алимжоновна	Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош услубчиси
11.	Худойбердиев Фурқат Абдусаломович	Вилоят молия бошқармаси бошлигининг ўринбосари

### 11-Фарғона округ сайлов комиссияси

#### Раиси

1.	Собиров Набижон Аминович	«Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари бош мухаррири
----	-----------------------------	--

#### Раис ўринбосари

2.	Садиков Марат Фатихович	Фарғона вилояти соғлиқни саклаш бошқармаси бошлиғи
----	----------------------------	--

#### Котиби

3.	Тожиева Тўлқиной Абдужалиловна	Бағдод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
----	--------------------------------------	---

#### Аъзолари

4.	Бойкўзиева Раъно Каримовна	Фарғона шаҳри хукуқшунослик коллежи директори
5.	Жабборов Умид Раҳмонович	Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
6.	Ибрагимов Шуҳрат Мухаммеджанович	Фарғона шаҳридаги 15-Фурқат маҳалла фуқаролар йигини раиси
7.	Камолов Юсуфжон Шамсиддинович	Фарғона вилоят давлат архиви бошлиғи
8.	Муротова Лола Неъматовна	Олтиарик туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги бошлиғи
9.	Мўминов Нозимжон Махмудович	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Фарғона вилояти телерадиокомпанияси директори вазифасини бажарувчиси
10.	Отакулов Ойбек Хамдамович	Фарғона политехника институти ректори

11.	Полвонов Шерзоджон Фазлитдинович	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари
<b>12-Хоразм округ сайлов комиссияси</b>		
<b>Раиси</b>		
1.	Рахимов Атабай Исмаилович	«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Хоразм филиали директори
<b>Раис ўринбосари</b>		
2.	Мухамеджанов Хасан Ирназарович	Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси
<b>Котиби</b>		
3.	Бекчанов Бахрам Машарипович	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг килиш мустақил институти Хоразм вилояти бўлими етакчи мутахассиси
<b>Аъзолари</b>		
4.	Аминов Аминбой Атоҳонович	«Урганчтрансгаз» шуъба корхонаси директори вазифасини бажарувчи
5.	Ваисов Мураджан Сапарбаевич	Урганч шаҳридаги «Мегасфера» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона бош директори
6.	Ишчанов Озод Атаджанович	Хоразм вилояти статистика бошқармаси бошлиғи
7.	Курбанбаева Гулсара Ахмедовна	Хоразм вилояти перинатал маркази бош шифокори
8.	Мадаминов Шакир Нариманович	Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
9.	Рузибаев Рашид Юсупович	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директори
10.	Садуллаева Фарахат Аминовна	Урганч шаҳридаги «Садуллаева Фарахат Аминовна» хунармандчилик мактаби директори
11.	Худоназаров Эргаш	Хоразм вилояти ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи

Даоати

13-Қашқадарё округ сайдов комиссияси		
Раиси		
1.	Жураев Исмонл Шодневич	Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Қашқадарё вилояти худудий бошкармаси бошлиги
Раис ўринбосари		
2	Курбанов Сабиржон Пўлатович	«Пўртгангазкимё» мажмуаси унитар шуъба корхонаси бош мутахассиси
Кетиби		
3.	Шукуров Ботир Зокирович	«Ўзгебургунефтгаз» акциядорлик компаниясига карашни «Геобурненфтгазсервис» шуъба корхонаси бошлиги ўринбосари
Аъзолари		
4.	Жанкуватова Раъно Нармуратовна	Ғузор туманидаги «Зарбдор» кишлок фукаролар йигини раиси
5.	Жўраев Чулн	«Нуроний» жамгармаси Касби тумани бўлимни раиси
6.	Курбанов Шухрат Ташевич	Қалқаларё вилояти архитектура ва курилиш бош ботикармаси бошлиғи – вилоят бош архитектори
7.	Назарова Нилуфар Бойкобиловна	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари
8.	Ниёзов Роҳаб Рахимович	Дехканобод тумани тиббнет бирлашмаси бошлигининг ташкилий-услубий ишлар бўйича ўринбосари
9.	Оюмматов Олим Хайтович	Муборак туманидаги «Муборак» коракўл наслчинлик кишлок хўжалиги коопсативи бошкаруви раиси
10.	Рахматов Хасан Ибрагимович	«Махалла» хайрия жамоат фонди Чирокчи тумани бўлимни раиси
11.	Турсунов Еркул Бўронович	«Махалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлимни раиси
14-Тошкент шаҳар округ сайдов комиссияси		
Раиси		
1.	Инагамов Жовдатхон Султанович	«Махалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимни бошкаруви раиси

Ранс ўринбосяри		
2.	Арипджанов Мадаминжон Марипович	Тошкент автомобиль-йўллар институти ректори
Котиби		
3.	Азларов Турғун Рахматович	Шайхонтохур туманидаги 40-мактаб математика ва информатика фанлари ўқитувчиси
Аъзолари		
4.	Ан Зоя	Сергели туманидаги 13-оиласиј поликлиника бош шифофори
5.	Канъязов Есемурат Султанимуратович	Тошкент давлат юрішк университети ректори
6.	Куранбаев Қакрамон Кучкарович	Республика Маънавият тарзибот маркази раҳбари
7.	Некрасова Татьяна Павловна	Миробод туманидаги 60-мактаб директори
8.	Расулова Мухаррам Нурматовна	Олмазор туманидаги «Ачаобод» махалла фуқаролар йигиншилиг диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси
9.	Сабирюв Дижурбай Марифбаевич	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори
10.	Сайдов Бахтинер Хамдамович	Учтепа туманидаги «Журжоний» махалла фуқаролар йигини ранси
11.	Шоев Салим Акбарович	Яшнобод туманидаги «Келажак сервис» кусусий уй-жой мулқдорлари ширкати ижрочи директори

2. Мазкур карор оммавий ахборот воситаларида эълон килинсин.

**Марказий сайдов комиссияси  
Ранси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 16 январи.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТҮГРИСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халк демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат беришни сураб тақдим этган хужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Конуни 14, 24<sup>1</sup>-моддаларнiga мувофик, Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халк демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши учун ижозат берилсин.

Марказий сайлов комиссияси  
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тонкегат шахри,  
2015 йил 19 январь.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
КАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ХОРИЖИЙ  
ДАВЛАТЛАРДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ТЕГИШЛИ  
САЙЛОВ ОКРУГИГА БИРИКТИРИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Қонукига мувофик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуринда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш хақидаги тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР КИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуринда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қўйидаги 44 та сайлов участкаси тузилсин:

1-сайлов участкаси	<b>Абу-Даби шаҳри</b> (Бирлашган Араб Амирликлари)
2-сайлов участкаси	<b>Анкарә шаҳри</b> (Туркия Республикаси)
3-сайлов участкаси	<b>Афинна шаҳри</b> (Греция Республикаси)
4-сайлов участкаси	<b>Ашхобод шаҳри</b> (Туркманистон)
5-сайлов участкаси	<b>Баку шаҳри</b> (Озарбайжон Республикаси)
6-сайлов участкаси	<b>Бангкок шаҳри</b> (Тайланд Қироллиги)
7-сайлов участкаси	<b>Берлинн шаҳри</b> (Германия Федератив Республикаси)
8-сайлов участкаси	<b>Бишкеқ шаҳри</b> (Киргизистон Республикаси)
9-сайлов участкаси	<b>Брюссель шаҳри</b> (Бельгия Қироллиги)
10-сайлов участкаси	<b>Варшава шаҳри</b> (Польша Республикаси)

*Давоми*

11-сайлов участкаси	<b>Вашингтон шаҳри</b> (Америка Кўшма Штатлари)
12-сайлов участкаси	<b>Вена шаҳри</b> (Австрия Республикаси)
13-сайлов участкаси	<b>Дехли шаҳри</b> (Хиндистон Республикаси)
14-сайлов участкаси	<b>Дубай шаҳри</b> (Бирлашган Араб Амирликлари)
15-сайлов участкаси	<b>Душанбе шаҳри</b> (Тоҷикистон Республикаси)
16-сайлов участкаси	<b>Жакарта шаҳри</b> (Индонезия Республикаси)
17-сайлов участкаси	<b>Женева шаҳри</b> (Швейцария Конфедерацияси)
18-сайлов участкаси	<b>Жидда шаҳри</b> (Саудия Арабистони Қироллиги)
19-сайлов участкаси	<b>Исломобод шаҳри</b> (Покистон Ислом Республикаси)
20-сайлов участкаси	<b>Истанбул шаҳри</b> (Туркия Республикаси)
21-сайлов участкаси	<b>Киев шаҳри</b> (Украина)
22-сайлов участкаси	<b>Куала-Лумпур шаҳри</b> (Малайзия)
23-сайлов участкаси	<b>Лондон шаҳри</b> (Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги)
24-сайлов участкаси	<b>Мадрид шаҳри</b> (Испания Қироллиги)
25-сайлов участкаси	<b>Мозори-Шариф шаҳри</b> (Афғонистон Ислом Республикаси)
26-сайлов участкаси	<b>Москва шаҳри</b> (Россия Федерацияси)
27-сайлов участкаси	<b>Новосибирск шаҳри</b> (Россия Федерацияси)
28-сайлов участкаси	<b>Нью-Йорк шаҳри</b> (Америка Кўшма Штатлари)
29-сайлов участкаси	<b>Алмати шаҳри</b> (Қазоғистон Республикаси)

30-сайлов участкаси	<b>Париж шаҳри</b> (Франция Республикаси)
31-сайлов участкаси	<b>Пекин шаҳри</b> (Хитой Халқ Республикаси)
32-сайлов участкаси	<b>Рига шаҳри</b> (Латвия Республикаси)
33-сайлов участкаси	<b>Рим шаҳри</b> (Италия Республикаси)
34-сайлов участкаси	<b>Сеул шаҳри</b> (Корея Республикаси)
35-сайлов участкаси	<b>Сингапур шаҳри</b> (Сингапур Республикаси)
36-сайлов участкаси	<b>Тель-Авив шаҳри</b> (Исроил давлати)
37-сайлов участкаси	<b>Техрон шаҳри</b> (Эрон Ислом Республикаси)
38-сайлов участкаси	<b>Токио шаҳри</b> (Япония)
39-сайлов участкаси	<b>Франкфурт-Майн шаҳри</b> (Германия Федератив Республикаси)
40-сайлов участкаси	<b>Шанхай шаҳри</b> (Хитой Халқ Республикаси)
41-сайлов участкаси	<b>Ал-Кувайт шаҳри</b> (Кувайт давлати)
42-сайлов участкаси	<b>Ар-Риёд шаҳри</b> (Саудия Арабистони Қироллиги)
43-сайлов участкаси	<b>Кобул шаҳри</b> (Афғонистон Ислом Республикаси)
44-сайлов участкаси	<b>Қоҳира шаҳри</b> (Миср Араб Республикаси)

2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида тузилган сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириттирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан (А. Камилов) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва улар билан алоқа ўрнатилишини таъминлашда ҳамда сайлов участкалари тузилмаган хорижий давлатларда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳукуқларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин.

4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллӣ авиакомпанияси (В. Тян) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир хужоатлар ва жиҳозларнинг ўз вактида етказиб берилшини, шунингдек ушбу хужоатлар 14-Тошкент шахар округ сайлов комиссиясига олиб келкинишида белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясиг котиби зинмасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларяда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
Раиси

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 3 февраль.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги 33-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи асосий қоидаларга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловнинг ўтишини холисона ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

#### 1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловнинг ўтишини холисона ёритиб бориш бўйича маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати (Н. Нурматов) аккредитациядан ўтказилган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун белгиланган намунаадаги гувоҳномаларни (бейжикларни) тайёрлашни ва уларга белгиланган тартибда топширилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби (К. Адилов) зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси  
Раиси

**М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 3 февраль.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайтов комиссияси  
ҚАРОРИ**

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ТАКДИМ ЭТИЛГАН ИМЗО  
ВАРАҚАЛАРИНИНГ ТҮГРИ ТҮЛДИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИППИ  
БҮЙИЧА ИШЧИ ГУРУХЛАРИППИ ТУЗИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Конунига мувофик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайтов комиссияси **ҚАРОР КИЛАДИ**:

1. Сиёсий партиялар томонидан такдим этилган имзо варақаларининг түгри түлдирилгандигини текшириш учун иловага мувофик таркибда ишчи гурухлари тузиленсин.
2. Сиёсий партиялар томонидан такдим этилган имзо варақаларининг түгри түлдирилгандигини текширишда конун хужжатлари талабларига катний риоя этиш хамда белгиланган жуддатларда холосалар бериш ишчи гурухларининг асосий вазифалари этиб белгилансин.
3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон юлинисин.

**Марказий сайтов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Ташкент шаҳри,  
2015 йил 3 февраль.*

ИЛОВА

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИНГ ТҮҒРИ ТҮЛДИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ БҮЙИЧА 1-ИШЧИ ГУРУХИ

1. **Адилов Комилжон Махаматкулович** – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби, ишчи гурух раҳбари.
2. **Курбанкулов Суяржон Машарифович** – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси.
3. **Камбарова Малика Фарҳадовна** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториясининг катта эксперти.
4. **Ногай Марина Валентиновна** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториясининг эксперти.
5. **Азаматова Наргис Юлдашевна** – Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Оила ва хотин-қизлар ва диний маърифат маънавий ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимни етакчи мутахассиси.
6. **Ҳамидов Баҳтиёржон Ҳамидович** – Тошкент давлат юридик университетининг «Криминалистика» кафедраси ўқитувчisi.
7. **Рўзиева Матлуба Исматовна** – Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар таълими ва маданий даражасини ошириш масалалари бўйича бўлимнинг бош мутахассиси.
8. **Кабилов Эльдор Шарифович** – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика маркази, криминалистик экспертиза ва ҳисобга олиш бўлимнинг катта эксперти.
9. **Раҳимов Ильёс Муйдинович** – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши аппарати Ижтимоий-хукукий лойиҳалар бўлимни мудири.
10. **Мухиддинов Жамолиддин Фахриддинович** – Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлар касаба уюшмаси Республика Кенгаши бош юрисконсульти.

## **СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИНГ ТҮҒРИ ТҮЛДИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ БҮЙИЧА 2-ИШЧИ ГУРУХИ**

1. **Абдуназаров Олимжон Тоштемирович** – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси, ишчи гуруҳ раҳбари.
2. **Абдурахманов Хасан Адылович** – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси бўлим мудири.
3. **Бекиров Владимир Ризаевич** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториясининг эксперти.
4. **Солиева Наргис Абдухамидовна** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториясининг эксперти.
5. **Лутфуллаев Хикматилла Раҳматуллаевич** – «Маҳалла зиёси» ўкув-услубий марказ мутахассиси.
6. **Абраев Фируз Шавкатович** – Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар таълими ва маданий даражасини ошириш масалалари бўйича бўлимиининг етакчи мутахассиси.
7. **Джураев Алишер Шавкатович** – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика маркази, криминалистик экспертиза ва ҳисобга олиш бўлимиининг эксперти.
8. **Сабиржанов Жалолиддин Бахтиёр ўғли** – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика маркази, криминалистик экспертиза ва ҳисобга олиш бўлимиининг эксперти.
9. **Кульматов Тимур Анатольевич** – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарарати Марказий Кенгаши аппарати Ижтимоий-ҳуқуқий лойиҳалар бўлими етакчи мутахассиси.
10. **Джумаев Беҳзод Шониязович** – Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши бош юрис-консульти.

**Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссиясининг  
КАРОРИ**

**ХОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ЭТИБ РЎЙХАТТА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод Хотамжон Абдураҳмонович Кетмоновни рўйхатта олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конуни 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР КИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Хотамжон Абдураҳмонович Кетмонов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатта олинсан.
2. Мазкур карор оммавий ахборот воситаларида эълон килинсан.

**Марказий сайлов комиссияси  
Ранси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шафри,  
2015 йил 14 феврало.*

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан  
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод  
ХОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИНГ  
таржиман холи ва дастури**

**ТАРЖИМАН ҲОЛ**



Ўрнибосари лавозимларида фаолият юритган.

2004–2013 йилларда Андикон вилоятини ҳокимиининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўрнибосари лавозимида меҳнат қилинган.

Бу даврда Хотамжон Кетмонов вилоядада жамоат ташкилотларини ривожлантириш, мунтакабининг ижтимоний-иктисодий масалаларини очишда уларнинг ролини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бўйича амалий чораларнинг хаётга татбиқ кранинишида фаол иштирок этди.

Унинг бевосита иштирокида вилоятда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган ёш авлодин баркамол ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий, қукуқий онгинн юксалтириш, фуқаролик бурчларини англашлари йўлидаги фаолияти самарадорлигиги оширишга каратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Хотамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашини раиси этиб сайланди.

Ўтган давр мобайнида партияининг марказда вожойлардаги ташкилий кадрлар самохнятигин сезиларни даражада оширди, партия электоратини ўйлантираётган ижтимоний-иктисодий масалаларни очишда партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурӯхлари билан ҳамкорлигини яхшилашга каратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси депутати этиб сайланди.

2015 йилдан Олий Мажлис Конунчиллик палатаси Спикери ўрнибосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

## ДАСТУР

Мазкур дастурда, Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади – аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар каторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик ва миллатларо ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга содиклик каби эзгу мақсадлар музассамлашган.

Ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Биз учун асосий устувор йўналишлар, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-кувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-кувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёsatни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муасасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, teng ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гурухлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришдан иборатdir.

**Биз аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.** Хусусан, куйидагилар таклиф этилади:

- муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъи-ҳаракатларни фаоллаштириш. Улар каторига, авваламбор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади;

- касб-хунар коллежи битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги

мехнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш;

– истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишида, уларнинг ўрта маҳсус касб-хунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувни таъминлаш;

– тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларига таълим контрактларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш;

– муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратадиган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини янада мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш;

– олий ва ўрта маҳсус касб-хунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириб бориш.

**Кам таъминланган оиласалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур.** Бунинг учун қўйидагилар таклиф этилади:

– ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам, асосан, кам таъминланган оиласалар, қариялар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш;

– адолат ва меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кенг қўллаган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш;

– ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш;

– кам таъминланган оиласаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврдаги тўланадиган маблағлар суммаси миқдорида, ўз бизнесини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш;

– ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш орқали уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш;

– уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, ижтимоий тураржой фондини шакллантиришга йўналтириладиган давлат мулки-

ни хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

– тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арzon автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш;

– табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, майший чиқиндишлар ва ҳ.к.).

**Иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз** бу – давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали аҳолининг, авваламбор, кўллаб-куватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдан иборатdir. Шу боис иқтисодий соҳада қуидагилар таклиф этилмоқда:

– хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат мухитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

– тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқарishни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддлаштириш, макроиктисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фоиз ставкаларини белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

– бюджет маблағларининг, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш.

Истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқарish комплекслари иқтисодий ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг қўшимча омилига айланишига эришиш мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуидагилар таклиф этилади:

- маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарини улар томонидан ички ва ташки бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;
- ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни мақбул тарзда тўлдиришга эришишга қаратилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун худудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ жойларида оиласвий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришда рағбатлантиришни кучайтириш.

**Аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласи ҳам бизнинг диққат марказимиздадир.** Мазкур соҳада, жумладан, қуйидагилар таклиф этилмоқда:

- аҳоли, айниқса, олис қишлоқ худудларида бирламчи тиббий ёрдамдан кулагай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;
- имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун хужжатларининг ижроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш;
- фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, доридармон воситалари нарихи устидан давлат назоратини кучайтириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш.

**Демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади.** Ушбу мақсадда қуйидагилар таклиф этилмоқда:

- қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун хужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;
- доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган жойлардаги долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига интерфаол давлат хизматлари ягона порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантиришни изчил таъминлаш;

– фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Ташқи сиёsat фаолияти масалаларида қўйидагилар тақлиф этилмоқда:**

– Ўзбекистоннинг яқин кўшниларига нисбаган очик ва прагматик сиёsatни юритиш, улар билан савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

– минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегарвий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

– ташқи сиёsat фаолиятининг муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари, дунёning бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

\* \* \*

Дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиласи.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**АКМАЛ ХОЛМАТОВИЧ САНДОВНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Сандовни рўйхатга олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чишиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисида»ги Конуни 14, 25-моддаларига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан кўрсатилган Акмал Холматович Сандов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур карор оммавий ахборот воситаларида эълон килинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Ташкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

Ўзбекистон «Миллый тикланиш» демократик партиясидан  
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод  
**АКМАЛ ХОЛМАТОВИЧ САЙДОВИНИГ**  
таржимаи холи ва дастури

**ТАРЖИМАН ҲОЛ**

Ўзбекистон «Миллый тикланиш» демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Холматович Сайдов 1958 йилда Тошкент вилояти Янтийўл туманинда туғилган. Миллати ўзбек. Машлумоти олий. Тошкент давлат университетининг хукуқшунослик факультетини тамомлаган. Юридик фанлари доктори. Ўзбекистон «Миллый тикланиш» демократик партияси аъзоси.

1985–1989 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиаси Фалсафа ва хукуқ институтининг катта илмий ходими ва бўлим мудири, 1989–1991 йилларда Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари кўмитасининг раиси, 1991–1992 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиаси Фалсафа ва хукуқ институтининг директори, 1992–1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг директори, 1993–1994 йилларда Тошкент давлат юридик институтининг ректори лавозимларида ишлатган.



1994–1996 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикаси-даги Фавқулодда ва мухтор элчиси, айни вактда ЮНЕСКОда Ўзбекистонининг Доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган.

1996 йилнинг ноябрдан бошлаб Акмал Сайдов Инесон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый марказининг директори лавозимила ишлаб келмоқда.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайланган.

2000 йицдан хозирги вакитча Акмал Сайдов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларининг ўзини ўзи башкариш органлари кўмитасин раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустакилликнинг дастлабки йилларидан Акмал Сайдов миллый хукукий тизим асосларини шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий комиссияси аъзоси бўлган, фуқаролик жамиятининг хукукий асосларини хратишга, нодавлат нотижорат ташкилотлари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиша бевосита иштирок этиб келган.

«Ўзбекистон – Бельгия» депутатлик гурухи раиси ҳамда «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламентлараво ҳамкорлик бўйича қўмита аъзоси ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳукуқларига бағишлиланган турли анжуманларида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонларига бағишлиланган тадбирларида, Европа Иттифоқи тузилмалари ва шу каби бошқа халқаро форумлар ишида иштирок этган.

Акмал Сайдов халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори, бир қатор хорижий ва халқаро юридик жамиятлар ва уюшмалар аъзоси, ҳукуқшуносликка оид дарсликлар, илмий асарлар ва маколалар муаллифи.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

«Мехнат шухрати» ва «Дўстлик» орденлари билан мукофотланган.

## ДАСТУР

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзининг кўхна тарихини, кўп асрлик миллий давлатчилигини тиклади. Мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик тизими шакллантирилди ва муваффакиятли ривожланмоқда. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» та-мойили ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат қурилиши жараённида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар барпо этилган.

Мамлакатимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий қадриятлар, юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яқин келажақдаги бош мақсадимиз бу – миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини саклаш ва бойитишdir.

Ушбу эзгу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

### I. Ижтимоий-сиёсий соҳада:

– миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини тасдиқлаш. **Бизнинг мақсадимиз – миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари;**

– миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш;

– «маҳалла» миллий демократик институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалла ролини кучайтириш;

– давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш, бунинг учун маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш ҳамда амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

– мамлакатда диний, миллий ва маданий бағрикенглик мухитини асрабавайлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

**II. Маънавий-маърифий соҳада** ислоҳотларни чукурлаштиришни ўзимизнинг энг мухим вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Биз ҳар доим миллий ўзликни англашни ошириш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганимиз ва берамиз. Шу боис биз қуйидагилар тарафдоримиз:

- ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиші. **Миллий қадриятларимиз ҳимояси – бош вазифамиз;**
- Ўзбекистон тарихини холисоналик тамойилларига асосланган тарзда узлуксиз ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл кўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, соҳталаштириб талқин этилишига қарши курашиш;
- Ўзбекистон маданий ёдгорликлари, шаҳарларининг миллий қиёфасини сақлаб қолишида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, бутун инсониятнинг тарихий-маданий мероси бўлган тарихий обьектлар, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш;
- юксак эстетик қимматга эга бўлган миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолиши рағбатлантириш;
- ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш;
- давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала маданияти сифатидаги ўрни ҳамда мақомини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиши, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш;
- камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва хурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқиши қучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиши билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- оила ва оиласий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оиласарга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш.

### **III. Суд-хуқуқ соҳасини янада демократлаштириш соҳасидаги устувор вазифалар қуидагилардан иборат:**

- аҳоли хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини юксалтиришни таъминлаш. **Юксак хуқуқий маданият ва инсон хуқуқлари маданияти миллий хуқуқий тизим етуклигининг кўрсаткичи ҳисобланади;**
- мамлакатда хуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон хуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

- жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш;
- оила, мерос, уй-жой даъвоси ва майший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, шунингдек, фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш.

#### **IV. Иқтисодиёт соҳасида биз куйидагилар тарафдоримиз:**

- «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-куватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-куватлаш чораларини жорий этиш;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турили минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш;
- миллий бозорни сифати паст, ҳалқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя мухитини шакллантиришнинг ҳукуқий асосларини кучайтириш;
- ҳалқимизнинг, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш.

Шу билан бирга, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тариҳий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустрясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, куйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таклиф этамиш:

- сайёхлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёхлар учун мўлжалланган обьектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёхлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёхлик индустряси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш;
- хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг ҳалқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаоли-

ят манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш;

– туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар оқимини янада рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш, жумладан, хусусий капитал ва бизнесга имтиёз ва преференциялар бериш;

– алоҳида кўрикланадиган ноёб табиий худудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш.

**V. Аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш – ижтимоий соҳадаги бош устуворлигимиз.** Шундан келиб чиқиб, устувор вазифаларимиз қуидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш;

– ривожланишининг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-куватлаш, ёш оиласарга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастури бажарилишининг бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш;

– қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очик осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш;

– маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самардорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва хукуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги сайд-харакатларини фаоллаштириш;

– болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС) дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, улар хукуклари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш. **Халқи соглом ва баркамол ривожланган мамлакат кучлидир!**

**VI. Ахборот соҳасидаги долзарб вазифалар қаторида биз глобаллашув жараёнларида халқимиз маданиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиши заруриятига эътибор қаратамиз.** Шулардан келиб чиқиб, қуидагиларни мазкур соҳадаги асосий вазифалар, деб ҳисоблаймиз:

– миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш. **Ривожланган миллий ахборот макони – мустаҳкам тараққиёт пойдеворидир;**

- ёшларнинг камолотига хизмат қиласидиган креатив ахборот мухитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига заар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш;
- ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари ни ахборот жиҳатдан таъминлаш.

**VII. Ташқи сиёсат соҳасида биз Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.**

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган бекиёс ҳиссаси Республикасининг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Биз самарали ташқи сиёсатни амалга оширишда қўйидагилар тарафдоримиз:

- ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш. **Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш – фаол ташқи сиёсатнинг вазифаси;**
- Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютукларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имиджини мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масалаларини халқаро ҳуқуқий меъёрлардан, жумладан, БМТнинг Трансчегаравий сув манбалари ва халқаро кўлларни асрраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси (Хельсинки, 1992 йил) ва Кемалар қатнамайдиган халқаро сув манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил) қоидалари асосида ҳал этиш;
- инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Фарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли «Буюк Ипак йўли» брендини илгари суриш.

**Бизнинг асосий ғоямиз – Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда ижодий куч-қудратимизни бағишлиш орқали Она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишdir.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ИСЛОМ АБДУГАННЕВИЧ КАРИМОВНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбизлармонарлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод Ислом Абдуганиевич Каримовни рўйхатта олиш учун тақдим этилган хужоатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўгрисида»ги Конуни 14, 25-моддаларига мувоффик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тадбиркорлар ва ишбизлармонарлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилсан Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур карор оммавий ахборот воситаларида эълон юлгинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Рашни**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Ташкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати –  
Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан  
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод  
**ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ**  
таржима ҳоли ва дастурни

## ТАРЖИМАН ҲОЛ

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтларини тутотган. Муҳандис-механик ва шактисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Мекнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент юшлок ҳўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П. Чкаловномидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтlib, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчиг ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986–1989 йиллар мобайнида Кашкадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустакиллигини зълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 марта бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга калар узайтирилли.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга кіритилган ўзгартышларга мувоффик, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.



2007 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оиласи, икки фарзанди, беш нафар набираси бор. Рафиқаси Т.А. Каримова – мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айни пайтда – пенсияда.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлини таъминлаш ишига кўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва «Амир Темур» орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вактда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга кўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

## ДАСТУР

**Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг «ўзбек модели» деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.**

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёклама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, жар ёқасига келиб қолган, собиқ СССРда аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича энг охирги ўринда турган қашшоқ ўлкадан ҳозирги вақтда аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан тез ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай баҳт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишларимиз, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, ўзини оқламаган эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳақиқатни англамоқдамиз.

Биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсида глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёning саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5 каррадан зиёд, аҳоли даромадлари жон бошига ўртacha 8,7 баробар ўсгани, юртимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очигини айтганда, бундай ютуқларни баъзан тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Мамлакатимизнинг ташки қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаётгани, ички қарзимиз, яъни аҳолимиз олдида қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни албатта кувонтиради.

Шу билан бирга, биз бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу

**олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.**

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, якин ва узоқ атрофимиизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаетгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иктисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом этириш ва чуқурлаштиришга қаратилган эътибор ва сайд-харакатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормокда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: аввало, биз учун **2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рако-батдошлигини оширишни таъминлашдан иборатdir.**

Бу мақсадга эришишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш, аввало, мулкдорлик масаласида чала-ярим ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари қолдиқларини бутунлай бартараф этиш фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

**Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг хаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг мухим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсикларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.**

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдолари орқали сотиш хажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик-ошкора бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

**Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъект-**

ларининг хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг давоми сифатида бу борада солиқ юкини камайтириш, қўшимча шароит ва кафолатлар яратишга янада катта аҳамият берилади.

**Учинчидан. Бугунги қунда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиши талаб этилмоқда.**

Давлатнинг иштироки, авваламбор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда саклаб қолиниши керак. Бошқача айтганда, давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаши, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.

Шу муносабат билан хўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича маҳсус дастур қабул қилиниб, унда самарасиз давлат корхоналарини тугатиш, жумладан, очик ва ошкора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан «ноль» қийматида сотиш орқали тўлиқ хуссий мулк шаклига ўтказиш мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вакт келди. Акциядорлик жамиятларини айни шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

**Тўртингчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш – айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз марказида бўлади.**

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишига киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва кўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиласиз. **Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб,**

исботлаб бермоқдаки, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлақо ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.

**Бешинчидан.** Қишлоқ хўжалиги, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган фермерлик ҳаракати янги тарихимида ўчмас из қолдирмокда.

Замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чукур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, кенг қўламли вазифаларни бажарадиган кўптармоқли хўжаликларга айлантириш йўлини давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90–92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларни кучайтириш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардормиз.

Фақат 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-хунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса – 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 2015–2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар миқдоридаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш учун эса – 136 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Олтинчидан.** Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – энг устувор вазифадир.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ана шу стратегияни янада ривожлантириш максадида 2015 – 2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойихани амалга ошириш кўзда тутилган.

**Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.**

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.**

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг кўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойихалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Дехқонбод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илғор буғаз ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ана шундай йирик лойихалар қаторига киради.

Бугунги кунда Сурғил кони базасида Жанубий Кореяning етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган 1,5 минг километрлик йўл тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километрлик янги Навоий – Учқудук – Нукус – Султон Увайстоғ ва 223 километрлик Тошгузар – Бойсун – Кумкўргон тармоқлари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айни пайтда янги Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва тоғли худудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

**Саккизинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, қасб-хунар коллажлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижти-**

**моий-иктисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.**

Авваламбор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айниқса аҳамиятлидир.

**Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориши масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59–60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидағи 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим.

Халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ юртимизда 2000 йилдаги 53,3 баробардан буғунги кунда 7,8 баробарга тушди. **Бошқача айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймасдан, бу борада ижтимоий барқарорлик мезони дебтан олинган даражага эришдик.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оиласда кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий ўўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар мавжуд.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш даражаси, жон бошига ҳисоблагандан, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

**Ўнинчидан. Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон худудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Узок ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёsatни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқаролараро тутувликни, бағрикенглик ва ўзаро хурмат мухитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқсан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

**Ишончим комилки, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойdevоридир.**

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш – барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровни рўйхатта олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конуни 14, 25-моддаларига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхашга олинсин.
2. Мазкур карор оммавий ахборот воситаларида эълон килинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан  
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод  
**НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВИНИНГ**  
таржиман ҳоли ва дастури

**ТАРЖИМАН ҲОЛ**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1974 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги – мухандис-гидрогеолог. Геология-минералогия фанлари номзоди.

Мехнат фаолиятини 1974 йилда «Гидронигео» илмий текшириш институтидаги катта техник ҳодим лавозимидан бошлаб, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимигача бўлгаган йўлини босиб ўтди. У сугорилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Орол денгизи қуриши билан боғлик гидрогеологик прогнозларни ишлаб чиқиш, ерости сувларидан иқтисодиётда оқилона фойдаланиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борди.

1997–2009 йилларда Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси хузуриндаги Аналитик назоратга иxtisoslashtigan давлат инспекцияси бошлиги лавозимида ишлаб, атроф табиият муҳит ҳолатини мониторинг килинча ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошқарган.

2009–2013 йилларда Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб атроф-муҳитни муҳофаза килиш соҳасидаги давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этган.

2009 йилдан «Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармасининг бошқаруви раиси, 2013 йилдан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси этиб сайланган. Эгаллаб турган лавозимида давлат ҳокимияти вакиллик органларидағи «Адолат» СДП депутатлик гурухларининг фаолиятини янада мустаҳкамлашга картилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиб келмоқда.

2014 йилда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати этиб сайланди, 2015 йилдан Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Онлали. Уч нафар фарзанлининг отаси. Рафиқаси X. Хўжаева – Республика онкология илмий маркази шифокори.

2012 йилда Наримон Умаров «Мехнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.



## ДАСТУР

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузи юқори даражага кўтарилишига имконият яратган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли даражада ўғди. Давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши таъминланди, иқтисодиётимиз узлуксиз ривожланиб, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари чуқурлашиб бормоқда.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари, кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилиши туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг, аввало болалар, аёллар, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланиши, аҳолининг фаровонлиги учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Истиқбол йилларида амалга оширилган ислоҳотларни эътироф этиб, юқори баҳолаган ҳолда, биз мамлакатимизнинг янада тараққий этишига ўз хиссамизни кўшишга интиламиз ва шу сабабли сайлов кампаниясида ўз Дастуримиз билан иштирок этамиз.

Мазкур дастур ҳамиша социал-демократиянинг асосий қадриятлари ва тамойилларига таяниб келган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий устувор вазифаларидан келиб чиқкан.

**Инсон манфаатлари – олий қадрият.** Биз асосий вазифамизни «Инсон – мамлакатнинг асосий бойлиги», «Адолат – ҳайтимизнинг бош мезони», «Адолат – ҳар бир инсон учун» тамойилларини кенг кўламда жамиятга жорий этишда кўрамиз.

Мазкур принципларни амалга ошириш, шунингдек, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Биз сиёсий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, жамиятда адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз. Биз фуқароларнинг жамиятда кечеётган жараёнларга таъсир кўрсата олишини таъминлайдиган имкониятларни кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни барпо этиш, ҳокимиятнинг барча даражаларидағи бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулокот ва тўғридан-тўғри муносабатларни барпо этиш тарафдоримиз. Аввало бу вакиллик органларига тегишлидир. Зоро айнан улар дол зарб муаммоларни очиқ ва ошкора равишда муҳокама қилиш, уларнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиб, тавсия этиш майдони бўлиши лозим.

Шу билан бирга биз бундан буён ҳам бошқарувда очиқлик, шаффоффлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ечишда қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни амалга оширишда жамоат назоратини қўллаш чора-тадбирларини таклиф қиласиз.

Биз қонуности хужжатлари ҳажми қисқартирилишига, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришишга, уларни кундалик ҳайтга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратишга, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғояси татбиқ этилишига ҳаракат қиласиз.

Биз «**кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар**» деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиласиз. Бу мақсад йўлида судларнинг демократлаштирилиши, холислиги, барча фуқароларга баробарлиги, фаолияти очиқлиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг хуқуқлилиги, адвокатура институти хукуқ ва ваколатларининг янада кенгайтирилишига эришиш устувор вазифамиз бўлиб қолаверади. Бу суд жараёнида холис тортишув ва адолатлиликнинг таъминланишида, шунингдек, фуқароларнинг хукуклари суд орқали ҳимоя қилинишини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, ички ишлар, назорат қилувчи ва хуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш бу йўналишдаги фаолиятимизнинг мантиқий давоми бўлиши зарур.

Факат эркин, ўз хукуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни хурмат қиладиган фуқаро ўзининг конституцион хуқукларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин. Бу борада аҳоли хуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик жамияти, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш муҳим вазифалардан саналади.

**Иктисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш.** Биз учун аҳолининг турли ижтимоий груп ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қиладиган иктисодиётнинг ижтимоий йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биз аҳоли даромадларининг ошиши иктисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири, у тўлов қобилиятини кучайтириб, юксак самарали ишлаб чиқаришга рағбатлантиради, бу эса меҳнаткаш ва унинг оиласи муносиб ҳайт кечиришини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз. Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва таракқий этишга йўналтирилган чора-тадбирларини ишлаб чиқамиз ва қўллаб-куватлаймиз.

Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиха ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-куватланиши тарафдоримиз.

Биз учун бизнес – жамият учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга жорий қилишнинг энг муҳим шаклидир. Шу сабабли биз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш бўйича таклифлар билан чиқамиз.

Мамлакатимиз келажаги – инновацион иқтисодиётда. Янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қурдатини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади.

Биз давлатнинг мувофиқлаштирувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида муҳим роль ўйнаши керак деб ҳисоблаймиз. Бу ҳолда иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, шунингдек, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимиға таяниши керак.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг «яшил йўл»га ўтишида давлатнинг етакчилик ролини ошириш тарафдоримиз. Айниқса, зарур инфратузилма яратилишига сармоя киритиш, бошқарувнинг самарали тизими ва хусусий сармоялар ҳамда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида давлат етакчи роль ўйнаши керак.

Биз энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этилиши учун курашамиз.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш масалалари доимо диққат-эътиборимизда бўлади. Биз мавжуд муқобил энергия манбаларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатбардош энергия бозори яратилишини рағбатлантиришига муҳим аҳамиятга эга масала деб қараймиз.

**Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ҳимоя тамойилининг амалда қўлланилиши.** Ўзбекистонда «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» тамойилига амал қилган ҳолда олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-куватлаган ҳолда биз аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилаш шарти бўлган давлат ижтимоий дастурларини татбиқ этишини давом эттириш тарафдоримиз. Биз ўзимизни анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-куватлашга қодир куч, деб биламиз.

Бизнинг ишончимиз комил, айни пайтда ижтимоий-иктисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-харакатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли исло-хотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларни давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига жалб қилиш, демократик-хукуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этиш учун хотин-қизларга янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш биз учун жуда муҳимdir.

**Иқтисодиётнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиқсан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш.** Мамлакат ва иқтисодиётнинг асосий рақобатбардошлиги кўрсаткичи унинг кадрларида, инсон салоҳиятида намоён бўлади. Шу муносабат билан биз таълим тизимининг янада ривожлантирилиши тарафдоримиз.

Бу соҳада меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқиб мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш муҳим вазифа саналади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли бепул таълим олиш имкониятига эга ва меҳнатига муносаб ҳақ тўланадиган иш топиши, малакали мутахассис бўлиши, имконияти бўлса – ўзининг ишини яратиши зарур.

Биз бор кучимизни олий ўқув юртларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-кувватлашга йўналтириб, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, мамлакат таълим тизимининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ниятидамиз. Биз фундаментал илм соҳасини қўллаб-кувватлашни кучайтириш, илм-фан ва таълимга сармоялар, шунингдек янги технологиялар киритиш таклифини берамиз. Бу жараёнда олимларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтириш, уларнинг самарали ижодий фаолиятини яхшилаш муҳим вазифа бўлади.

Ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизими ўқувчиларга долзарб билим ва кўнилмаларни сингдириши биз учун жуда муҳим. Бунинг учун таълим стандартлари ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими йўналишлари меҳнат бозори талабларидан келиб чиқсан ҳолда мунтазам баҳоланиши керак.

Шунингдек, биз қисқа муддатли хусусий касб таълимини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш тарафдоримиз, чунки бу тизим меҳнат ресурсларининг иш берувчи талабларига тез мослашиш имкониятини яратади. Меҳнат билан бандликка кўмаклашувчи расмий ташкилотлар тезлаштирилган таълим ва иш-сизларни қайта малакалашга ихтисослашган тизимга айланиши лозим.

**Фуқаролик жамияти – демократик тараққиётнинг асоси.** Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари – жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ОАВ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саъй-харакатларини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Биз ижтимоий тараққиёт дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, биринчи навбатда туман ва шаҳарлар миқёсида жамоатчилик назорати юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш тарафдоримиз. Шу билан бир-

га биз ижтимоий аҳамиятга молик, фуқаролик ташаббусларини ёқлаймиз, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ҳомийлик фаолиятини кучайтириш тарафдоримиз. Бизнинг дикқат марказимизда ННТларнинг соғлиқни саклаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки бўлади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги ортиши учун биз ўзини ўзи бошқариш органлари тизиминг, жумладан маҳаллаларнинг тараққий этиши тарафдоримиз. Маҳалла – фуқаролик жамияти томон асосий йўлдир.

Биз давлат ҳокимиятининг катор ваколатларини ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳаллага ўтказиш тарафдоримиз. Бу маҳалла аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқ марказга айланишига олиб келади. Биз учун маҳалланинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётida иштироки кучайиши муҳим.

Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини янада кучайтириш ҳам бизнинг устувор вазифаларимиздан. Олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда унинг ролини кучайтириш, моддий-техник базасини янгилаш, уни технологик модернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бизнинг доимий дикқат-эътиборимиздаги масалалардир.

Социал-демократиянинг шиорларидан бири – бирдамликдир. Бизнинг мамлакатимизда асрлардан буён турли миллат ва элатлар ёнма-ён, бир ёқадан бош чиқариб яшаб келган. Бизнинг мақсадимиз – уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда саклаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу муносабат билан биз бундан кейин ҳам мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг янада кучайиши ва уйғун ривожланиши тарафдоримиз.

**Ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги.** Биз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграцияси янада чукурлашиши, ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида иштироки кучайиши долзарб вазифалар бўлиб қолмоқда. Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг ҳалқаро майдонда нуфузини янада оширишга, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласиз.

Биз яқин кўшни давлатлар билан муносабатда минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни хисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва ҳалқаро хуқуқ меъёрлари асосида ҳал этиш тарафдоримиз.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БҮЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ТҮҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг шартшароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телевизиони-ва радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти;

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 10 саҳифа нашр майдони берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар;

ушбу қарорнинг 1-банди билан берилган эфир вақти номзодларнинг ягона блокдаги ташвиқот видео-, радиороликларининг трансляция қилинишига татбиқ этилмайди.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталари таҳририятлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари учун зарур ва тенг шартшароитлар таъминласин.

4. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини худудий оммавий ахборот воситаларида ўтказиш учун тенг шартшароитлар таъминлаш округ сайлов комиссиялари зиммасига юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Оммавий ахборот воситалари:

– янгиликлар дастурлари ва бошқа ахборот материалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тадбирларини ёритишида тенг шартшароитлар таъминласин;

— сайловолди тадбирлари жараёнини ёритишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 319-сон карори билан таъдиқланган «Сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиҳотини амалга оширишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги Низомга амал қиласин.

6. Ушбу карор ижросини назорат килиш Марказий сайлов комиссияси рашининг ўринбосари К. Алилов зинмасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Рашин**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тоғикерни шоҳрн,  
2015 йил 14 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
Х.А. КЕТМОНОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ  
РҮЙХАТГА ОЛИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Хотамжон Абдурахмонович Кетмонановнинг** тақдимномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конуни 29-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Х.А. Кетмонановнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Курбанбаев Куатбай Джанбулович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси
Нурматов Абдулхамид Абдухалумович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ан- дижон вилояти Кенгаши раиси
Джураева Саида Тешаевна	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Бу- хоро вилояти Кенгаши раиси
Каримова Мутабар Хазратовна	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Жиззах вилояти Кенгаши раиси
Асатов Акмал Исматович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг На- воий вилояти Кенгаши раиси
Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
Исабеков Комолбой	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Самарқанд вилояти Кенгаши раиси
Ташматов Алишер Абубикирович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сир- дарё вилояти Кенгаши раиси

Даоати

Жумагулов Чори Пардаевич	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси
Ағзамов Сражитдин Хидоятович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси
Махкамов Махмуд Мухтарович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси
Сабуров Раймберган Садуллаевич	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Коразм вилояти Кенгаши раиси
Равшанов Олим Поёнович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Кашикадарё вилояти Кенгаши раиси
Бабаханов Хайдар Эргашевич	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигинга номзоднинг ишончли вакилларига бешинчланган гартибда тувохнома тошириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти Умумий бўлим мудири F.Машкуров зинмасига юқлатилсан.

**Марказий сайлов комиссияси**

**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
А.Х. САИДОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ  
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Ақмал Ҳолматови  
ч Сайдовнинг** тақдимномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси-  
нинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни  
29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссия-  
си **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод  
**А.Х. Сайдовнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Кутибаева Елизавета Дүйсенбаевна	Қорақалпоқ давлат университети профессори
Отахонов Комилжон Алихонович	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик пар- тиясининг Андижон вилояти Кенгаши раиси
Раупов Сойиб Сайдович	Бухоро давлат университетининг тарих факульте- ти декани
Мамажанов Бахром	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик пар- тиясининг Жиззах шаҳар Кенгаши раиси
Базаров Бахтиёр Яхшиликович	Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи
Маматкаримов Одилжон Охундедаевич	Наманган мұхандислик-технология институти ректори
Пардаев Азамат Кенжабоевич	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ко- нунчилик палатаси депутати
Соатов Норбобо Холиярович	Ўзбекистон Республикаси «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринbosари

Даоати

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич	Термиз давлат университети кафедра мудири
Мансуров Тоирхон Темирович	Тошкент вилояти Чиноз тумани 40-умумтаълим мақтаби ўқитувчиси
Бекмирзаева Муқаддас Эргалиевна	Фарғона вилояти Риштон педагогика ва иқтисодиёт коллежи директори
Бабаджанов Баҳодир	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партясининг Хоразм вилояти Кенгаши раиси
Нусуров Усман Нусратович	Кашкадарё вилояти телерадиокомпанияси директори
Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна	Тошкент давлат юридик университети «Давлат ва хукуқ назарияси ва тарихи» кафедрасининг доценти

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли юристларига белгиланган тартибда гувохнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти Умуний бўлим мудири F. Машкуров зинмасига юқлатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
И.А. КАРИМОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ  
РҮЙХАТГА ОЛИШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг** тақдимномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түғрисида»ги Қонуни 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **И.А. Каримовнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Уснатдинов Шарап	Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Кенгаши раиси
Юсупов Машариф	Мехнат фахрийси
Аминов Фармон Мавлянович	Бухоро мухандислик-технология институти кафедра мудири
Пардаев Нусуратулла	Жиззах вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси
Ўроқов Исомидин Барноевич	Навоий вилояти Фермерлар Кенгаши раиси
Файзуллаев Турсунбай	Наманган давлат университети профессори
Нормурадов Хасан Норбекович	Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими Кенгаши раиси
Кудратов Арипжан Нормаматович	Сирдарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази кардиоревматология бўлими мудири

Даоати

Соатов Арзикул Чоршанбиевич	«Махалла» хайрня жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими раиси ўринбосари
Курбонова Марҳабо Адҳамовна	Тошкент вилояти Пискент тумани 1-умумтаълим мактаби директори
Сидикова Энахон Абдураҳимовна	Ўзбекистон Ёзувлар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими раиси
Артиков Кенжабой	Хоразм вилояти «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси инспектори
Абраров Исломиддин Джамолович	Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз технология касбхунар коллежи директори
Пизамходжасев Зайнiddин Махаматович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли юристларига белгиланган тартибда гувоҳнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти Умумий бўлум мудири F.Машкуров зинмасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
Н.М. УМАРОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ  
РҮЙХАТГА ОЛИШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Наримон Мажитович Умаровнинг** тақдимномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Н.М. Умаровнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Маткурбанов  
Рашид  
Жолдасбаевич

Назаров  
Акбаржон  
Насирдинович

Турсунов  
Асрор  
Иргашевич

Тўйчиев  
Рустам  
Равшанович

Сатторова  
Гулчехра  
Хайитовна

Махсудов  
Олимжон  
Файзуллаевич

Раббимова  
Нигора  
Исаевна

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати котиби

Бухоро вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Жizzах вилояти Кенгаши раиси

Навоий вилояти Кармана тумани  
4-умумтаълим мактаби директори

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Наманган вилояти Кенгаши раиси в.б.

Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Давоми

Хайтов Шуҳрат Ахмедович	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси-нинг Термиз тумани Кенгаши раиси
Алтмишева Мавлуда Шеркуловна	Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори
Талипов Равшан Райимжанович	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси-нинг Тошкент вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
Парманова Парида Абдухаировна	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси-нинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Холдаров Марифжон Махмудович	Фарғона вилояти Бувайда тумани тиббиёт коллежи директори
Курбонбоев Максадбек Комулович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
Ахмедов Абдукаххор	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси-нинг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

2. Узбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакилларига белгиланган тартибда гувоҳнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти Умумий бўлим мудири F. Машкуров зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 14 февраль.*

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2014 йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституцияйи Қонунининг 2-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март, якшанба куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг бошланганлигини эълон қилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳам тасдикланди.

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлик барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий мувофиқ амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини тузиш хақида қарор қабул қилди. У Тошкент шахри Навоий кўчаси, 16-й манзили бўйича жойлашган.

\* \* \*

7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов бошқарди.

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри чегаралари доирасида тузди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлик бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

\* \* \*

16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарган мажлисда Комиссия аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясининг аввалги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Комиссиянинг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг жорий йил 13–14 январь кунлари бўлиб ўтган мажлисларида муҳокама қилинганидан сўнг Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди. Округ сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан танлаб олинган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

\* \* \*

19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирза-Улугбек Абдусаломов бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши хукуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Аввал хабар қилинганидек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш мақсадида тегишли хужжатларни, яъни «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24<sup>1</sup>-моддасига биноан сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги

кўрсатилган маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилган эди.

Навбатдаги мажлисда Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конуннинг 14, 24<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш ҳакида қарор қабул қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ваколатли вакилларига рўйхатга олингандик гувоҳномалари ва белгиланган намунадаги имзо варакаларининг бланкалари берилди.

\* \* \*

Жорий йилнинг 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улугбек Абдусаломов олиб борган мажлисда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам иштирок этди.

Мажлисда республиканизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини ташкил этиш ҳамда сайлов кампанияси жараёнининг барча босқичларини ёритиш учун мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Қонунчилликка мувофиқ сайлов участкалари асосий мезон – сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратишни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақлифини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44та сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш ҳакида қарор қабул қилди. Мазкур сайлов участкаларида сайловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари хусусида ўз вактида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари фаолияти катта аҳамиятга эга. Шу му-

носабат билан мажлисда мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сайлов тўғрисидаги конунчилик талабларини инобатга олган ҳолда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо ва рақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун Марказий сайлов комиссияси хузурида ишчи гурухлари тузиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ишчи гурухларининг асосий вазифаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 24<sup>2</sup>–моддасига асосан белгиланган муддатда имзо ва рақалари қонун талабларига мувофиқлиги ҳақида хulosалар беришдан иборатdir.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир ташкилий ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\* \* \*

2015 йил 9 февраль қуни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун хужжатлар тўпламини тақдим қилишди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари – съезд ёки қурултойи томонидан амалга оширилади.

Партиялар томонидан тақдим этилган хужжатлар: сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишини илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга кўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни кўллаб-куватловчи имзо ва рақаларидан иборат.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатларни етти кунлик муддат ичидаги текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида холоса беради.

\* \* \*

9–13 февраль куллари Марказий сайлов комиссиясида имзо варакалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гурухлари ўз ишини давом эттириди. Уларнинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг мутахассислари фаолият кўрсатди.

Қонунга асосан текшириш учун имзо варакалари танлаш йўли билан ажратиб олиниши мумкин. Сайловчилар имзолари ва сайлов варакаларига имзо кўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур микдорининг камидаги 15 фойзи тешириувдан ўтказилади.

Бунда текшириш учун ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган ҳар бир Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-куватлаб тўпланган сайловчилар имзоларининг тенг микдордаги сони ажратиб олинади.

Ишчи гурухи аъзолари ҳар бир имзо варакасини кўздан кечирадилар, бунда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига, ийл кўйилган тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар мавжудлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўхшаш имзолар, қўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига алоҳида эътибор берадилар.

Кўздан кечириш пайтида камчиликлари аниқланган ёки шубҳа тугдирадиган ноаникликлари мавжуд имзо варакалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

Ишчи гурухи имзо варакаларини текширишни ўтказаётган хонада сиёсий партияларининг вакиллари кузатувчи сифатида ҳозир бўлмоқда.

Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган имзолари сони, сайловчиларнинг текширилган имзолари сони, сайловчиларнинг ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолари сони кўрсатилади. Баённоманинг нусхаси сиёсий партиянинг вакилига берилади.

Шунингдек, ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорини қабул қилиш учун асос ҳисобланади ва унга илова қилинади.

\* \* \*

14 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хотамжон Абдураҳмонович Кетмонов, Ўзбекистон

«Миллий тикланиш» демократик партиясидан Акмал Холматович Саидов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Абдуғаниевич Каримов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегиши қарор қабул қилинди.

\* \* \*

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтазиша ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар, давлат ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиласилар.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллукли бошқа масалалар ҳам мухокама қилинди.

\* \* \*

21 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Сиёсий партияларнинг вакиллари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) кузатувчилар миссияси аъзолари, шунингдек оммавий ахборот во-ситалари ходимлари иштирок этган мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Ошкоралик ва очиқликни таъминлаш Ўзбекистон сайлов тизимининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ сайлов жараёнини кузатишида ҳам миллий, ҳам халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиш имконияти на-

зарда тутилган. Кузатув сайлов жараёнининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин. Бу эса халқаро сайлов амалиётида камдан-кам учрайдиган ҳолатдир.

Бу Ўзбекистонда истиқлол йилларида халқаро сайлов стандартлариға мувофиқ чинакам демократик сайлов ўтказилишини таъминлаш бўйича ижобий тажриба тўпланганлигидан дарак беради. Сайлов тўғрисидаги қонунчилик мунтазам равишда такомиллашиб бораётганлиги фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш миллий амалиётини яхшилашга қаратилгандир.

Марказий сайлов комиссияси олдинги сайловларда бўлгани каби Ўзбекистон жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Европа, Осиё, Америка ва Африка мамлакатларидан кўп сонли хорижий кузатувчиларни, шунингдек халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссияларини таклиф этди.

Айни пайтда ЕХХТ ДИИҲБдан кузатувчилар миссиясининг 12 кишидан иборат асосий гурӯҳи мамлакатимизга келди.

Мажлисда МДҲ ва ЕХХТ, ДИИҲБдан кузатувчилар миссияларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА

22 январь куни Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг бориши ва Олий Мажлис Сенатини шакллантириш якунларига бағишлиланган брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бўлажак сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини қайд этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш истагини билдириди ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли хужжатлар тўпламини тақдим қилди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилигига мувофиқ, шунингдек, тақдим қилинган хужжатлар асосида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар характеристи – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун ижозат берди. Ҳозир сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ишлари олиб борилмоқда.

Брифингда журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар, сайловчилар имзосини тўплаш тартиби ва бу жараён қандай бораётгани, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилгани, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари тавсиялари асосида округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқлангани таъкидланди.

Округ сайлов комиссиялари аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, жамиятимизнинг обрўли вакилларидан иборат таркибда шакллантирилди. Okруг сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати, сайлов комиссияларининг манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Брифингда оммавий ахборот воситалари вакиллари парламент сайловининг якуний босқичи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ҳам ахборот берилди.

\* \* \*

30–31 январь кунлари Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари, шунингдек худудий матбуот марказлари раҳбарлари учун икки кунлик Республика семинар-тренинги ташкил этилди.

Унинг ишида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов ҳуқуқи бўйича миллий эксперталар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш ҳақидаги хабардорлик даражасини ошириш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилишнинг турли жиҳатларини, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича долзарб вазифаларини муҳокама қилишга қаратилгандир.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов таъкидлаганидек, мамлакатимиз йилнинг муҳим сиёсий воқеаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини очик ва адолатли сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сайловлар мобайнида кишиларнинг турли фикрлари, орзу-умидлари намоён бўлади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган изчил, босқичмабосқич ислоҳотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хошиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равищда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади. Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти сайловни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш ва ўтказишга, сайловчиларнинг ўз хошиш-иродасини эркин билдиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунийлик, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффоғлиги каби тамойилларни таъминлаш каби муҳим масалаларга доимий равищда эътибор беришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳукуқига эгадирлар.

Икки кунлик семинар-тренинг давомида миллий сайлов қонунчилигидаги сўнгти ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари масалалари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқлиги ва ошкоралиги, кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бошқа жиҳатларига бағишлиланган маъruzалар тингланади.

Семинарнинг иккинчи куни округ сайлов комиссиялари ва худудий матбуот марказлари фаолиятига доир савол-жавобларга бой бўлди. Тадбир иштирокчилари сайлов комиссиялари фаолиятини юксак савияда ташкил этиш бўйича тажрибалари билан ўртоқлашишди, шунингдек, эксперталарнинг зарур тавсияларини олишди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази фаолияти билан танишдилар. Республика матбуот маркази жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларининг бориши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали холисона ҳамда ўз вақтида хабардор қилиб бормоқда.

Қайд этилганидек, Республика матбуот маркази Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси асосий босқичларига бағишлиланган матбуот анжуманлари, брифингларини ҳам ташкил қиласди, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларини сайловга доир зарур ахборот материаллари билан таъминлади.

Семинар-тренинг иштирокчилари Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига ҳам ташриф буюришди.

\* \* \*

14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик бориши ҳақида хабардор қилди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни 28-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарор қабул қилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хукуқ таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини сайловчиларнинг эътиборига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле- ва радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилади.

Сайловолди ташвиқоти даврида «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» республика даврий нашрларида 10 саҳифа нашр майдони ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Сайловолди ташвиқоти материаллари ҳудудий нашрларда ҳам эълон қилинади. Сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш та-мойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

М. Абдусаломов таъкидлаганидек, Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз қонунчилигига тўла мувофиқ равишда сайловолди ташвиқотини ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Брифинг мобайнида тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9058 та, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, хукукий адабиётлар билан таъминланган. Maxsus белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Участка сайлов комиссиялари фаолиятига 90 мингга яқин киши жалб қилинган бўлиб, уларнинг 67 фоизи – соғлиқни саклаш, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаси вакиллари, 22,3 фоизи – жамоат бирлашмалари, нодавлат но-тижорат ташкилотларининг вакиллари, 5,3 фоизи – фермерлар, 5,4 фоизи – ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, 6,2 фоизи – иқтисодчилар. Комиссия

аъзоларининг 84 фоизи сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда олдин иштирок этган. Хотин-қизлар сони эса 42,8 фоизни ташкил этади.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотлардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этган миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

\* \* \*

20 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишида оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалаларига бағишлиган онлайн семинар бўлиб ўтди.

Тадбир республика ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакилларининг миллий сайлов қонунчилигига оид хуқуқий билимларини янада ошириш, журналистларнинг сайлов жараёнини тезкор ва холис ёритиши билан боғлик масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди.

Онлайн семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари аъзолари, мамлакатимиз эксперtlари, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз ҳудудлари билан видео алоқа орқали семинар мавзуларининг онлайн режимидаги муҳокамасида ҳудудий матбуот марказлари ходимлари ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари хам фаол иштирок этишди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чукурлаштиришда ғоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеа эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этишнинг муҳим жиҳати шундаки, фақатгина овоз бериш яширин амалга оширилади, қолган барча жараён очик, ошкора ва транспарент ўтади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фукароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этиётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништира-

дилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиласидилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек хар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш хукуқига эгадирлар.

Сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари мухим роль ўйнайди. Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳозирги кунда сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистларнинг фаол иштирокида ўтказилмоқда. Телевидениеда мунтазам мавзуга оид теле- ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилмоқда, сайлов жараёнининг босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам фаол ёритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин паллага кираётган шу кунларда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирчанлиги янада ошмоқда. Сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хукуқ берилган.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари томонидан сайлов жараёнининг барча тадбирларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилари билан учрашувларини қонунчиликка, холислик, бета-рафлик ваadolатлилик тамойилларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг хукуқий асосларини, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини очиб берадиган, сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳакида жамоатчиликни хабардор қилишга доир маърузалар тингланди.

Ўзаро мулокот ва фикр алмашиб руҳида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар сайлов қонунчилигига мувофиқ, шунингдек, улар томонидан тақдим қилинган хужожатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат олишди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-де-

мократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодларни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни олиб борилди.

Сиёсий партия томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма сайловчиларининг имзоларини қамраб олган бўлиши керак.

Бунда маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят, Тошкент шаҳрида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сайловчилар факат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо кўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақаларини имзо тўплаган шахс ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқлайди.

Сайловчилар имзоларини тўплаш иш, хизмат, ўқиши, яшаш жойида, сайлов олди тадбирларида олиб борилмоқда.

## ҲАМКОРЛИК

2015 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзолади.

Сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишида оммавий ахборот воситалари мухим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улугбек Абдусаломов таъкидлаганидек, ўтган йиллардаги сайлов кампаниялари, айниқса 2014 йилги парламент сайлови мобайнида Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари билан сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўплаган.

Битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли қоидаларини, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатларни аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича самарали фаолият ташкил этишга қаратилгандир.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидаларини, мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг мухим масалаларига тааллуқли мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадларида фойдаланишда, шу жумладан тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади.

Томонлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси теле- ва радиоканаллари, мамлакатимизнинг етакчи ахборот агентликлари ва босма оммавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида ахборот бериш ва тарқатиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиласи.

\* \* \*

23 февраль куни Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ)нинг мамлакатимизга ташриф буюрган қузатувчилари миссияси асосий гурӯҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Миссияни Каетана Де Зулута бошқармокда.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари К. Адилов меҳмонларга мамлакатимизда сайлов кампанияси бориши ҳакида сўзлаб берди. Хусусан, меҳмонлар Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури амалга оширилиши билан таниширилди. Қайд этилганидек, Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошкоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратишади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон хукуклари бўйича бюроси миссияси фаолиятини, унинг Ўзбекистонда сайловни кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун масъул конституциявий орган сифатида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг хукуқий кафолатлари сезиларли равишда мустаҳкамлангани, мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик комиссия фаолиятининг асосий принциплари экани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимчаларга биноан сайлов жараёнига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов қонунчилигига риоя этиш, Марказий сайлов комиссияси қарорларини сўзсиз бажариш бўйича жавобгарлиги кучайтирилгани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда томонлар ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон хукуклари бўйича бюроси миссияси аъзолари фаолияти сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уни халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ ташкил этишга қўмаклашишига ишонч билдиришди.

Каетана Де Зулуета қайд этишича, миссия сайловларни Ўзбекистон қонунчилигига кўзда тутилган муддат ва тартибларга мувофиқ, узоқ муддатли асосда кузатади. Бу кузатув номзодлар сайловолди ташвиқотини қандай олиб бораётгани, оммавий ахборот воситалари сайловчиларни сайлов жараёнининг бориши ҳакида қандай хабардор қилаётганини ўз ичига олади. Миссия аъзолари мамлакатнинг бир қатор худудларига ташриф буюриб, сайлов комиссиялари фаолияти билан танишади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чикишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш хукуқига эга. Уларнинг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу хужжат кузатувчига Марказий сайлов комиссияси мажлисларида қатнашиш хукуқини беради. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик ва ошкора ўтказилади.



**AZIZ SAYLOVCHILAR!**

**2015**  
**YIL**

**29**

**MART**

**YAKSHANBA**

**O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI  
PREZİDENTİ  
SAYLOVI KUNI**



**ӘЗИЗ САЙЛАУШЫЛАР!**

**2015**  
**жыл**

**29**

**МАРТ**  
**ЕКШЕМБИН**

**ОЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ**  
**ПРЕЗИДЕНТИН**  
**САЙЛАУ КУНИ**